**Л.Р.Миржалолова, Ю.Р.Махмутазимова, М.Х.Шарипова**

# Болаларга қуриш-ясаш ва конструкциялашни ўргатиш методикаси

( “Қуриш-ясаш ва математика” маркази учун амалий тавсиялар, кўрсатмалар, фаолият ишланмалари)






Ушбу методик қўлланма Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим ташкилотлари учун “Илк қадам” давлат ўқув дастури асосида “Қуриш-ясаш ва математика”марказида барча ёш гуруҳларидаги болаларга қуриш-ясашни ўргатиш юзасидан олиб бориладиган ишлар мазмуни, воситалари, метод ва усуллари ёритилди. Методик қўлланма мактабгача таълим факультети талабалари ва мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари учун мўлжалланган.

**Муаллифлар:** **Л.Р.Миржалолова, Ю.Р.Махмутазимова, М.Х.Шарипова**

**Тақризчилар:** Н.Н.Джамилова - Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети “Мактабгача таълим методикаси” кафедраси профессори, п.ф.д.

О.А.Махмудова - Profi University доценти, п.ф.ф.д.(PhD)

К.Каримова - Тошкент шаҳар Бектемир тумани 573-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси

*“Болаларга қуриш-ясаш ва конструкциялашни ўргатиш методикаси” номли методик қўлланмаси Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази Илмий-методик кенгашида муҳокама этилиб, 2019 йил 30-апрелдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.*

**© Yu.R. Maxmutazimova, 2022.**
**© “TAMADDUN”, 2022.**

# КИРИШ

Янги Ўзбекистоннинг келажаги ҳар томонлама етук, баркамол ривожланаётган ёш авлоднинг қўлида эканлигини бугун ҳар биримиз чуқур ҳис этиб турибмиз.Бугунги кунда мактабгача таълим тизимида тубдан янгиланишлар, ўзгаришлар, ислоҳотлар амалга оширилмоқда.Ёш авлоднинг мактабгача даврданоқ комил шахс этиб тарбиялаш эса муҳим ва долзарб вазифамизга айланди.Мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ҳар бир ёш гуруҳларида замон талабига мос тарзда таълим-тарбия беришга эътибор янада кучайди.Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиш марказларида мустақил фаолияти, ўзининг танлови, эркинлиги ва иштиёқи, қобилиятини ривожлантиришда муҳим қадамлар қўйилди.

Қуриш-ясаш, конструкциялаш болалар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Конструкциялаш болаларнинг энг севимли фаолиятларидан биридир. Қуриш-ясаш, конструкциялаш фаолияти - амалий фаолият бўлиб, олдиндан белгиланган, бирор мақсадга қаратилган реал воқеликдир. Бу фаолиятга ўргатиш жараёнида (қоғозларни буклаш, деталларни ўзаро бириктириш ва ҳоказо) болаларнинг ақлий, сенсор, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбияси янада шаклланиб боради. Бундай фаолият мактабгача ёшдаги болаларни теварак-атрофдаги нарса-буюмларни таҳлил қилиш, улар ҳақида мустақил фикр юритиш, мақсадга интилиш, ўз фаолиятини режалаштиришга ундайди, бадиий дидини ўстиради, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмасини эгаллашга ёрдам беради, ўз фаолиятини мустақил ташкил этишга ўргатади, шунингдек, болаларни мактабда ўқишга сифатли тайёрлайди.

## Мактабгача таълим ташкилотларида барча ёшдаги болаларга гуруҳларда қуриш-ясашни ўргатишнинг мазмун-моҳияти ҳақида

Қуриш-ясаш, конструкциялаш болалар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Конструкциялаш болаларнинг энг севимли фаолиятларидан биридир. Қуриш-ясаш, конструкциялаш фаолияти – амалий фаолият бўлиб, олдиндан белгиланган, бирор мақсадга қаратилган реал воқеликдир. Бу фаолиятга ўргатиш жараёнида (қоғозларни буклаш, деталларни ўзаро бириктириш ва ҳоказо) болаларнинг ақлий, сенсор, ахлоқий, эстетик ва меҳнат тарбияси янада шаклланиб боради. Бундай фаолият мактабгача ёшдаги болаларни теварак-атрофдаги нарса-буюмларни таҳлил қилиш, улар ҳақида мустақил фикр юритиш, мақсадга интилиш, ўз фаолиятини режалаштиришга ундайди, бадиий дидини ўстиради, ўз-ўзини назорат қилиш кўникмасини эгаллашга ёрдам беради, ўз фаолиятини мустақил ташкил этишга ўргатади, шунингдек, болаларни мактабда ўқишга тайёрлайди.

Болалар қуриш-ясаш, конструкциялаш ишида қуриш материаллари, яъни қоғоз, картон, қурилиш блоклари, лего, конструктор, кубиклар, геометрик шакллар, танграм, мозаика, қутилар, геометрик лото, пазллар ва бошқа материаллардан турли хил ўйинчоқлар, иншоотлар ясашга ўрганади. Бу фаолият орқали кичкинтойлар геометрик шаклларнинг айрим хоссалари ва улар билан боғлиқ фазовий тушунчаларни эгаллай борадилар. Улар нутқида куб, конус, пирамида, цилиндр ва бошқа шу каби сўзлар пайдо бўлади. Айни пайтда улар нарса-буюмларнинг жойлашиши, ҳаракат йўналиши каби аниқ тушунчаларни ифодаловчи сўзларни ҳам эгаллашга ҳаракат қиладилар. Масалан, *устида-тагида, ўнг-чап, тепа-паст, орқа-олд, яқинда* ва ҳоказо.

Моҳиятан болаларнинг қуриш-ясаш фаолияти кўпинча тасвирлаш ва ўйин фаолияти билан ўхшашдир. Улар томонидан ясалган нарса-буюмлар, асосан, амалиётда ишлатиладиган нарсалардир. Масалан, арчани ясатиш учун ўйинчоқлар ясалади, оналар учун совғалар тайёрланади, машиналар ҳамда ясалган нарсалар иштирокида турли ролли ўйинлар ташкил этилади.

Қуриш материали майда ва йирик геометрик фигуралардан (куб, цилиндр, призма ва ҳоказо) иборат. Ривожланиш марказида болалар фаолиятини ташкил этиш учун қуриш материалларидан,

турли хил майда тўпламлардан фойдаланилади. Масалан, “Менинг шаҳрим”, “Телеминора қурамиз”, “Менинг келажакдаги уйим”, “Замонавий шаҳар”, “Қуриш материалларидан сонлар ясаймиз” ва бошқалар.

Ривожланиш марказларида болалар фаолиятини самарали ташкил этиш учун қуриш-ясаш материаллари кўп бўлиши лозим. Тарбиячи шу мақсадда қуриш материаллари сифатида одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, транспортларни ифодаловчи майда ўйинчоқлар танлайди. Болаларнинг конструкциялаш техникасини яхши ўзлаштириб олишлари учун гуруҳларда зарур шарт-шароитлар яратилиши керак. Намунага қараб қуриш-ясаш, конструкциялаш билан боғлиқ фаолият турида кичкинтойларни қуриш материалларидан чеклаб қўймай, ҳар бирига керагича тақсимлаб бериш лозим. Бундай шароитда болаларда зарур материалларни танлаб олиб ишлатиш кўникмаси ҳосил бўлади.

Кичик қурилиш материаллари асосида ўйинлар ташкил этиш, машғулотлар ўтказишнинг аҳамияти катта. Болалар ўйин жараёнида теварак-атрофдаги айрим нарсалар, масалан, қуён, айиқ, одамлар учун уйлар қурадилар, машиналар ва йўловчиларнинг ўтиши учун кўприк ва бошқаларни ясайдилар.

Қуриш-ясаш, конструкциялаш жараёнида яратилган ўйинчоқларни амалда қўллаш болалар ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди: улар ҳаётда керак бўладиган нарса-буюмлар ясаётганликларини ҳис этиб, бундан фахрланадилар. Аҳамиятга молик яна бир жиҳати шундаки, айрим йирикроқ нарсаларни қуриш-ясаш жараёни ҳам, ўйинлар ҳам жамоа бўлиб фаолият кўрсатишни тақозо этади. Айниқса, болалар жамоасини тўғри уюштиришда қуриш материаллари билан ўтказиладиган ўйинлар муҳим аҳамият касб этади. Ўйинлар жамоада меҳнат қилиш, мустақиллик, ташаббускорлик ва бошқа муҳим шахсий фазилатларни тарбиялашга ёрдам беради. Бундан ташқари, уларда диққатни бир жойга тўплаш, олдига қўйган мақсадига чидам ва сабот билан эришиш, олган билими ва малакаси асосида ижодий ташаббус кўрсатиш сифатлари шаклланиб боради.

Болалар қуриш-ясаш, конструкциялаш машғулотларида нарса-буюмларнинг ташқи умумий кўринишини кўз олдига келтириб қуриш материалларидан мақсадга мувофиқ фойдалана олишни ўрганадилар. Шунингдек, улар ўзлари қураётган ёки ясаётган

нарсасини бадиий жиҳатдан безашнинг оддий усулларини ўзлаштириб оладилар.

Болаларнинг қуриш ўйинлари ролларга бўлиниб ўйналадиган ўйинларнинг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Қуриш ўйинларида ҳам улар ўз таассуротларидан келиб чиққан ҳолда теварак-атрофдаги нарсаларни, катталарнинг фаолиятларини ифода этишга ҳаракат қиладилар, транспорт ҳаракати, катталарнинг меҳнати ҳақидаги ўз тасаввурларини акс эттирадилар. Бундай ўйинларнинг мазмунини болаларнинг ўзлари ўйлаб топадилар. Улар кўпинча катталарнинг қурилишдаги фаолиятларига тақлид қилиб, қурувчи, сувоқчи, ғишт терувчи ролини ижро этадилар. Болаларнинг қуриш ўйинлари қизиқарли ижодий фаолиятдир. Бундай ўйинлар болаларнинг ташаббус кўрсатишларига, мантиқан фикр юритган ҳолда фаолроқ ҳаракат қилишларига, ҳамкорлик намоён этишларига эришиш учун кенг имконият яратади. Тарбияланувчилар қуриш-ясаш фаолияти ва ўйин пайтида бир-бирлари билан турлича муносабатда бўладилар. Улар бир-бирлари билан келишган ҳолда ролларни ўзаро бўлишиб оладилар, ишларни бажаришда бир-бирларига ёрдам берадилар ва маслаҳатлашадилар.

Қуриш-ясаш ўйинларида ҳаракат элементлари кўп бўлиб, болаларнинг табиатига мос тушади: улар доим ҳаракатда бўладилар. Кичкинтой бирор нарсани қуриб бўлгандан кейин қуриш материалларини тегишли жойга олиб бориб қўяди, масалан, стол ёки пол устига жойлаштиради, бунинг учун энгашади, бу вақтда унинг қўллари фаол бўлади, яъни маълум миқдорда жисмоний куч сарфлайди. Майда қуриш материаллари билан ўйнаганда қўлнинг майда мускуллари яхши ривожланади. Қуриш ўйинларини ўйнаш натижасида болаларнинг кузатувчанлиги, техникага бўлган қизиқишлари ортади. Бундан ташқари, улар ўйин жараёнида оддий геометрик шаклларнинг тузилиши билан ҳам танишадилар. Қуриш ўйинларининг тарбиявий таъсири шундаки, бунда болалар ифода этадиган ҳодиса ва нарса-буюмларнинг амалий аҳамияти ва ғоявий мазмуни ўз аксини топади.

Қуриш-ясаш ўйинлари эса болаларнинг тафаккурини, ижодий қобилиятини ўстиради. Улар тарбиячи кўрсатган нарса-буюмларни эсда сақлаб қолиш ва уни қайта эсга олишга интилиб, уларни бир-бирига солиштирадилар, таҳлил ва синтез қиладилар, ўзлари учун ўхшаш жиҳатларини аниқлайдилар, фарқли томонларини ажратадилар, қуриш амалларини пухта ўйлаб, тўғри хулоса

чиқарган ҳолда бажариш, мақсадга мувофиқ йўл тутишга ўрганадилар.

Қуриш ўйинлари биринчи навбатда тарбия топиш, қолаверса, теварак-атрофни кузатиш ва ўз ҳаётий билимларини ошириш воситасидир. Болалар атрофда қурилаётган янги турар жойларни, мактаблар, болалар боғчалари, дўконларни кўрадилар, катталардан улар ҳақида маълумот оладилар. Конструкциялаш, қуриш ўйинлари эса уларни ана шундай бунёдкорлик ишларига тайёрлаш учун ҳам хизмат қилади. Қурилган объектлар, ясалган нарса-буюмлар ҳаётда керак бўлишини ҳис этиш жавобгарлик туйғусини шакллантиради. Турли ўйинчоқлар ясаш ва оналар, ака-укалар, буви, бувалар ёки ўртоғи учун совға қилиш учун бирор нарсани қўл иши сифатида тайёрлаш болаларда яқин кишиларига эътиборли бўлиш, атрофдагиларни хурсанд қилиш ҳиссини ўстиради.

Қуриш-ясаш фаолияти, нарса-буюмларни чиройлироқ қилиб безашга бўлган интилиш болаларни гўзалликка ошно этади. Гўзаллик туйғуси табиатни кузатиш жараёнида кучлироқ намоён бўлади. Ушбу туйғу ўз навбатида атроф-оламга бўлган ўзгача муносабатни ҳам юзага келтиради, уни шакллантиради. Табиат гўзаллиги ўсимлик дунёсига нисбатан кузатувчан бўлиш, гул, дарахт ва илдизларнинг ранг-баранглиги, шаклларииниг хилма-хиллигини кўриш, улардан андаза олиш болаларнинг ҳиссий жиҳатларини бойитади, қуриш-ясаш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади.

Қуриш-ясаш, конструкциялаш фаолияти нарса-буюмнинг умумий кўринишидан икир-чикирларига томон аста-секин мураккаблашади. Ушбу жараёнда болаларнинг нарсаларнинг қисмлари ва ички тузилиши ҳақидаги билимлари кенгайиб, чуқурлашиб боради. Бунда қуриш материалларининг бойитилиши ҳам муҳим ўрин тутади. Айниқса, махсус ***конструкторлар*** алоҳида аҳамият касб этади.

Қуриш-ясаш болалар учун энг содда ва қизиқарли, маҳсулдор фаолият тури бўлиб, бу фаолият ўйин билан чамбарчас боғланиб, яна ҳам мароқли тус касб этади. Болалар ўзлари қурилмалар ясайдилар, ўйин жараёнида уларга турли хил ўзгартиришлар киритадилар. Шу боис методист олимлар қуриш-ясаш, конструкциялаш фаолиятини “қуриш-ясаш ўйинлари” деб номлаганлар. Бунда ўйин турли мазмунга эга бўлган болалар фаолияти орқали конструкциялаш жараёни билан қўшилиб кетади.

Қуриш-ясаш жараёни икки босқичда амалга ошади: ғоянинг вужудга келиши (яратиладиган қурилманинг намунасини яратиш, материалларни танлаш, ҳаракатни амалга ошириш йўлларини топиш ва режалаштириш) ҳамда амалий фаолиятни рўёбга чиқариш. Кейинги ҳолатда бола бажарувчигина эмас, балки тадқиқотчи (ижодкор) бўлиб фаолият кўрсатади, чунки у қўллари билангина ҳаракат қилмай, фикр юритади ҳам: бир нечта ечимни текширади, ғояларни қисман ўзгартиради, деталларни мослайди ва ҳ.к

Ўз ғояси асосида мустақил қуриш-ясашни амалга ошира билиш – бола фаолиятининг юқори кўрсаткичигина эмас, балки умумий ривожланиш белгиси ҳамдир. Бироқ ғоя асосида қуриш-ясаш фақатгина конструкциялашда эмас, балки қуриш-ясашнинг бошқа турларида (намуна бўйича ва шароитга мос равишда) ҳам шакллантирилади.

Машғулотларда қуриш–ясашга ўргатиш учун стол устида ўйналадиган қуриш тўпламидан фойдаланган маъқул, чунки бу қуриш материаллари бир вақтнинг ўзида кўпчилик болалар қуриб ўйнаши учун имкон беради. Йирик қурилиш материаллари эса болаларни кўпчилик бўлиб қуришга, ўйнашга ўргатади.

Машғулот вақтида болаларга қуришнинг энг зарур усулларигина кўрсатилади, шунинг учун машғулот узоқ чўзилмаслиги керак.

Болаларга қуриш-ясаш усулларини кўрсатиш ва ҳаракат билан тушунтиришда дастлаб намунани кўрсатиш-намойиш ҳамда таҳлил қилиш методларидан фойдаланилади. Бунда аввал қуриш материалларидан нималар ясаш мумкинлигини кўрсатувчи тайёр қурилмалар, ясалган нарса-буюмлар намуна вазифасини бажаради, сўнг қуриш-ясаш жараёнининг ўзи (расмлар серияси) шу мақсад учун хизмат қилади. Болалар бино ёки иншоотни қуришни билиб олишлари учун (баланд пойдеворнинг устини қандай бекитиш, бир қисмни қандай қилиб бошқаси билан алмаштириш, текисликни қандай кенгайтириш ва шу кабилар) қурилишнинг айрим қисмларини кўрсатишга ўтилади.

Маълум босқичга келиб болаларга тарбиячи бажара бошлаган объект ёки нарса-буюмнинг айрим қисмларини мустақил давом эттиришни таклиф қилиши мумкин. Бунда қуриладиган объект ҳақида тушунча бериш, масалан, ҳажмини (катта–кичиклигини) айтиш, ўйинчоқларга мос бўлиши кераклигини эслатиш муҳим

ўрин тутади. Болаларни ўзлари ижод қилиб қуришга ўргатиш ва амалий фаолиятга жалб этиш учун улар зарур шароитлар ва ашёлар билан таъминланган бўлишлари керак. Қуриш-ясаш материалларининг турлари қуриш-ясаш усулини аниқлаб беради. Қурилиш материали майда ва йирик геометрик фигуралардан (куб, цилиндр, призма ва ҳоказо…) иборат бўлиши мумкин. Бу материаллар турли хил майда тўпламларда берилиши ҳам мумкин. Болаларни қуриш материалларини танлаш вазиятига солиш фойдалидир.

Болалар ҳаётий заруриятдан келиб чиққан ҳолда турли ўйинчоқларни мўлжаллаб бирор объект қуришга, масалан, қуён учун уй, машиналар ва йўловчилар учун кўприк қуришга катта қизиқиш намоён этадилар. Дарҳақиқат, қуриш-ясашда ўйинчоқларни ишлатиш катта аҳамиятга эга: бу нарса ўйин фаолиятини янада жонлантиради.

Қуриш материаллари маълум бир жавонларда, тартиб билан сақланади.

Болаларнинг ақлий ва қуриш-ясаш қобилиятларини, фантазияларини ривожлантиришда конструкторлар (тахта, пластмасса, металл ва керамика) муҳим аҳамиятга эга. Бундай тўпламлар орқали турли конструкциялар ясаш мумкин. Тарбиячи аввал ўзи конструктор билан танишиб, қурилма йиғишга доир методик кўрсатмаларни ўрганиб чиқади, ўзи намуна сифатида ишлаб кўради, қисмларни бирлаштириш тартибини билиб олади, ана шу тартибда болалар фаолиятини маълум вақт оралиғида оз-оздан, болаларнинг ўзлаштиришларига қараб ташкил этиш изчиллигини режалаштиради. Дастлаб тарбияланувчилар тарбиячи раҳбарлигида суратларга қараб турли хил мураккаб объектлар қурадилар, ҳаракатли конструкциялар яратадилар. Асосий диққат болаларда қисмларни бирлаштиришга оид янги усуллар билан танишишга, тегишли малакаларни шакллантиришга қаратилади. Бунда болаларнинг қўл мускуллари фаол иштирок этади, мускул ҳаракатлари яхшиланади.

Юқорида баён этилганлардан маълум бўладики, мактабгача ёшдаги болаларга қуриш-ясашни ўргатиш масаласига мажмуавий ёндашиш талаб қилинади. Тарбияланувчилар қисмларни бирлаштириш усуллари, қуриш материаллари, уларни танлаш, бунда ясалган нарса-буюмларни амалий аҳамиятини ҳис этиш, болаларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантириш, уларда

меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, мустақиллик, бир-бирига ёрдам бериш, ҳамкорликда жамоа бўлиб ишлаш, гўзаликка интилиш каби шахсий фазилатларни эгаллашлари алоҳида эътиборга олинади, қуриш материалларининг ранг-баранглиги, етарли миқдорда бўлиши, қуриш усулларининг аста-секин мураккаблашиб бориши назарда тутилади.

## Мактабгача таълим ташкилотларида барча ёш гуруҳларида болаларга қуриш-ясашни ўргатиш методикаси

Қуриш-ясашни ўргатиш ишлари мактабгача ёшдаги гуруҳларнинг ҳар бирида ўз мазмуни, воситалари ва мураккаблашиш хусусиятларига эга бўлади. Шунга кўра қуйидаги гуруҳларнинг ҳар бирида олиб бориладиган ишлар мазмунини алоҳида-алоҳида ёритиб чиқиш лозим топилди:

1) кичик гуруҳларда қуриш-ясашга ўргатиш;
2) ўрта гуруҳларда қуриш-ясашга ўргатиш;
3) катта гуруҳларда қуриш-ясашга ўргатиш;
4) мактабга тайёрлов гуруҳларида қуриш-ясашга ўргатиш.

### I. Кичик гуруҳларда болаларга қуриш-ясашни ўргатиш

Болаларга билим бериш намуна асосидаги қуриш-ясашдан бошланади. Кичик гуруҳда 3-4 ёшли болалар кенг ва тор дарвозалар, баланд ва паст тахта деворчалар, узун ва қисқа йўлакчаларни ясашга ўрганадилар. Уларга қуриш материаллари – кубик, ғиштча, турли хил геометрик шаклларнинг қандай ҳолатда жойлашганлиги (*ғиштча ётибди, турибди*) ҳам тушунтирилади. Бундан ташқари, кубикларни горизонтал ҳолда жойлаштириш, бир-бирининг устига қўйиш, дарвоза, уйча қуриш кабилар ҳам ўргатилади. Тарбиячи болаларга қурилмалар ва теварак-атрофдаги таниш нарса-буюмлар ўртасидаги ўхшашликни топиш вазифасини беради. Улар асосий қуриш материалларини (кубик, ғиштча, шакллар) ўзар фарқлаш билан бирга, номини ҳам айтишлари, катта-кичик, узун-қисқа, баланд-паст каби сўзларнинг маъносини англашлари, ғиштчаларнинг орасини тенг масофада жойлаштириш кераклигини билиб олишлари лозим. Шу тариқа болаларда нарса-буюмларнинг фазовий жойлашиши ҳақида тушунча шакллантирилади (баландлик, узунлик, кенглик) ва икки хил усулда: кичик қуриш деталларини бироз каттароғига алмаштириш, қурилган қурилмаларни кичрайтириш ёки катталаштириш, устма-уст қуриш ёки ёнига қўшишдан иборат оддий топшириқлар бажартирилади. Тарбиячи болаларга узун йўлак қуриш вазифасини топширади. Бу каби иш турларини турли йўллар билан бажариш: бир нечта ғиштдан ясалган калта йўлакчага яна бир нечта ғиштни қўшиш ёки ғиштни ясси пластинкалар билан алмаштириш мумкинлиги амалий йўллар билан кўрсатилади. Албатта, ушбу босқичда бола ҳали қуриш-ясашнинг ўрганилаётган усулларини

эгаллаётганлигини англаб етмаса ҳам, шу усулларни ўз фаолиятида қўллай бошлайди.

Тарбиячи янги қурилган конструкцияни олдинги конструкция билан солиштириб туради, болаларга улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни топтиради. Уларда намунага қараб уйча қуриш малакаси ҳосил бўлганлигини текшириш учун, намунани ўзлари мустақил тарзда қуриб беришларини илтимос қилади. Масалан: тарбиячи боладан худди намунадагига ўхшаш, лекин баландроқ уйча қуриб беришни сўрайди. У каби вазифалар болалардаги ақлий фаолликни янада оширади.

Дастлабки машғулотларда болалар аввал ясаган нарсаларини қайта қурадилар, сўнг ғиштчаларни бир текисда йўлакча қилиб териб чиқадилар. Бу ишлар ҳосил бўлаётган кўникмаларни ривожлантириш, мустаҳкамлашга қаратилади. Болалар тор (калта) йўлкалар, кенг (узун) йўлкалар қурадилар. Кейинчалик улардан темир йўл қуришни талаб қилиш мумкин. Бу машғулотларнинг асосий мақсади – болаларга ғиштчаларни бир текисда жойлаштиришни ўргатиш ва уларда узун-калта, тор-кенг каби тушунчаларни шакллантириш.

Кейинги машғулотларда болалар ғиштчаларни вертикал ҳолда жойлаштиришни ўрганадилар. Шундан кейин тарбиячи дарвозани турли вариантларда ҳар хил материаллардан (ғиштчалардан, кубик, пластинадан) ясаш устидаги ишларга ўтади. Буларни болалар маълум кетма-кетликка асосланган ҳолда бажарадилар.

Дарвоза қуриш жараёнида тор-кенг, баланд-паст тушунчалари эслатиб борилади: кенг дарвоза – юк машинаси учун, тори эса – енгил машина учун, баланд дарвоза – катта қўғирчоқ учун, пасти эса – кичик қўғирчоқ учун мўлжалланган. Болаларга бир неча машғулот давомида мунтазам равишда уйчанинг янги конструкцияси бериб борилади. Тарбиячи ҳар гал янги конструкцияни олдинги конструкция билан солиштиради, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларини топтиради. Болаларда намунага қараб уйча қуриш малакаси ҳосил бўлганлигини текшириш учун тарбиячи улардан намунани ўзлари мустақил тарзда қуриб беришларини илтимос этади. Масалан, тарбиячи боладан намунада қурилган уйчани баландроқ қилиб қуриб беришни сўрайди. Топшириқнинг бу тури болаларда ақлий фаолликни янада оширади. Кичик гуруҳда тарбиячи даставвал болаларни қуриш материаллари – кубик, ғишт, пластина билан уларнинг шакли (катта-кичиклиги)

текис стол юзасида турлича жойлашиши (яъни ғишт ётибди, ғишт турибди) ва унинг мустаҳкамлиги, ҳолатига боғлиқ эканлиги билан таништириб боради. Ғиштларни кетма-кет, горизонтал жойлаштириб бир-бирининг устига қўйиш орқали оддий тўсиқлар (дарвозалар, уйлар) қуришга ўргатиб борилади. Тарбиячи болаларни ўз қурилмалари билан ҳаётдаги таниш нарса-буюмлар ўртасидаги ўхшашликни топишга, аниқлашга ўргатиб боради.

Кичик гуруҳда болалар фақатгина қуриш материалларни (куб, ғишт, пластина) билишга, фарқлашга, тўғри аташга ўргатиб борилади. Масалан, катта-кичик, узун-қисқа, паст-баланд ғиштларни бир-биридан бир хил масофада доира, тўғри тўртбурчак бўйлаб (панжара) уларни энсиз томони билан қўйиб чиқишга ўргатиб борилади.

Кичик гуруҳда болаларга 8-10 та (стол, стул, диван, кроват, минорача, кўприкча, уйча, трамвай) каби оддий қурилмаларни қуришни ўргатилади. Олдин бу нарса-буюмлар алоҳида турли хил вариантларда қурилади, сўнг болаларга биратўласига 2-3 та қурилмаларни қуриш таклиф этилади (стол, стуллар, стол ва диванлар), болаларга бу қурилмалар билан ўйин ўйнашлари учун турли хил қўғирчоқлар, идишлар берилади. Кейинги машғулотларда болалар уйчани 3-4 кубикдан бир-бирининг устига қўйиш, 3 ёқли призма билан устини қоплаш орқали қурадилар. Сўнг ғиштдан юқорига тахлаш орқали зина ясайдилар. Болалар бу қурилмаларни қуриш йўлларини ўзлаштириб олишгач, тарбиячининг сўзи орқали қурилмаларни қуришга 2 та кубикдан (ёки уч ёқли призма) ва пластинадан кўприк қуришни ўрганадилар. Тарбиячи болаларни боғча участкасида ва гуруҳ ҳовлисида машғулот жараёнида ўрганган қурилмаларни қуриб, улар билан ўйинлар ўйнашга қизиқиш уйғотиши керак.

Машғулотлардан мақсад болаларни ғиштчаларни тартибли қилиб бир-бирига улашга ёки бирлаштиришга, уларнинг фазовий белгиларини тўғри аташга, узун-қисқа, кенг-торлигини ўргатишдир. Кейинги машғулотларда улар аввал ғиштларни бир-бирига зич ёки маълум бир оралиқда вертикал жойлаштиришни, ғиштларни узунасига ёки энсиз, қисқа томони билан териб чиқишни ўрганадилар. Навбатдаги машғулотда болалар ўрдакча, кучукча учун панжаралар қурадилар, дарвозаларнинг турли вариантлари билан танишадилар. Буларни куб ва пластиналардан ясайдилар. Тарбиячи болалар кенг ва тор ҳақидаги тушунчаларни

эгаллашсин учун, уларга юк машинаси учун кенг дарвоза, енгил машина учун тор дарвозалар қуришни таклиф этади.

Тарбиячи болаларга битта қурилма деталларини ўзгартириш орқали уни бошқача қилиб қуриш мумкинлигини тушунтириш мақсадида бир нечта машғулот уюштиради. Кичкинтойлар ҳар бир машғулотда қатъий система асосида янги қуриш конструкцияси билан таништирилади ва уни эски конструкция билан солиштириб, орасидаги фарқ аниқланади. Болалар намунага қараб қуришни ўзлаштириб олишгач, тарбиячи болалар олдига худди шундай уйча қуриш, аммо уни баландроқ ёки узунроқ қилишни таклиф этиши мумкин. Аввало, тарбиячи шу конструкцияни сақлаб қолиб, фақатгина уни узунроқ ёки баландроқ қилиб қуриш йўлларини олдиндан тушунтириб беради. Бу эса болаларда ақлий фаоллик, мантиқий фикрлашнинг ўсишига олиб келади.

Тарбиячи болаларни қуришга ўргатишда аввал намуна бутун бир ҳолда, сўнгра қисмма-қисм  кўриб чиқилади. Масалан: уйча деворлари, тўсиқлари ва томи. Сўнг уларнинг шакллари ва бир-бирига нисбатан жойланишлари,  ҳар бир қисмнинг нималардан ташкил топганликлари аниқланади.

Кичик гуруҳ болаларини қуришга ўргатишда турлича методлардан фойдаланилади. Асосий ўринни информацион-рецептив ва репродуктив метод эгаллайди. Информация ахборот билан, рецепция тарбиячининг сўзидан эшитиб тушуниш, репродукция шулар ҳақида тарбиячи берган саволларга жавоб қайтаришни англатади. Болалар нимани қуриш ва қандай қуриш кераклиги билан танишади берилган сволларга жавоб қайтаради. Шу мақсадда тарбиячининг қуришга доир  намунаси қуриш йўлларини кўрсатиш ва тўғри тушунтириш жараёни билан биргаликда берилади. Тарбиячи болаларга у ёки бу қурилмани қуришни ўргатишдан олдин уларни ўша нарса-буюм, унинг қисмлари билан, уларнинг амалий белгилари билан таништириб боради. Масалан, тарбиячи сайр вақтида болалар билан арғимчоқни кузатади, у икки қисмдан иборат: биринчи қисм зинапоя, яъни болаларнинг арғимчоққа чиқишлари учун, иккинчи сирғалувчи қисми эса тушишлари учун. Нарса-буюмларни бу тарзда маълум мақсад билан кузатиш болаларнинг ўз қурилмаларига шундай қисмлар қўшиб бойитиш ва вазифани ижобий ҳал қилиш имконини беради.

Тарбиячи болаларга қуриш-ясашни ўргатишни режалаштираётганда ўзи мўлжаллаган намуналарни кўриб, таҳлил қилиб чиқади. Олдин намунани болаларга бир бутун ҳолатида яхшилаб кузаттиради, сўнг уни қисмлар бўйича намойиш қилади. Масалан, уйчанинг деворлари, тўсиқлари ва томига эътибор қаратилади. Шундан кейин уларнинг шакллари ва бир-бирига нисбатан жойлашиши, ҳар бир қисмнинг қайси деталлардан қурилганлиги кўриб чиқилади. Чунончи, уйчанинг томи қаторма-қатор қўйилган призмалардан иборат ва ҳ.к. Намуна асосида бундай иш олиб бориш болаларнинг қурилмани бунёд этишдаги кетма-кетликни англаши ва шу изчилликка риоя қилишига ёрдам беради. Бу нарса болаларнинг қуриш-ясаш фаолиятини анча осонлаштиради.

Тарбиячи болаларга қуриш-ясашнинг техник усулларини ўргатишда, уларнинг ўзлари мустақил равишда ҳаракат қилишлари кераклигини назарда тутиб, уларни қуриш-ясашнинг хилма-хил вариантларидан ва қуришнинг турли йўлларидан фойдаланишга ўргатиб боради. Бунда тарбиячи репродуктив ва эвристик (амалий фаолият кўрсатиш) методларни бирлаштирган ҳолда қўллайди. Ҳар бир машғулот охирида болаларни ўзлари қурган нарсалари ёки қурилмалари билан ўйин ўйнашлари учун икки-уч дақиқа вақт ажратади. Бу эса болаларда ўйин жараёнига нисбатан қизиқиш уйғотади, бунда фойдаланиладиган ўйинчоқлар эса болаларни қуриш-ясашдан чалғитмайди, аксинча, қуриш-ясашга нисбатан иштиёқ пайдо қилади. Тарбиячи болаларга қуриш материалларининг қисмлари номини машғулот пайтидагина эмас, балки машғулотдан кейин ҳам, уларни йиғиб қўйиш жараёнида ҳам тушунтириб, эслатиб туради.

Қуриш-ясаш жараёнида шеър, қўшиқлардан, эртаклар мазмунидан («Уч айиқ» эртагидан) фойдаланиш болаларнинг қуриш ишларига бўлган қизиқишларини янада оширади, жараённинг қизиқарли бўлишига олиб келади. Шунингдек, қуриш-ясаш жараёнида баъзи болаларга амалий ҳаракатлар орқали саволлар бериш мумкин. Агарда айрим болалар вазифани бажаришга қийналсалар ёки бу ишни уддаламасалар, у ҳолда тарбиячи қилинадиган ишларни қайтадан тушунтириб беради.

Болалар бажарган ишларни таҳлил қилишда бу ишларнинг тоза ва тўғрилиги кўрсатиб ўтилибгина қолмай, балки барча жараён, яъни намунани қандай кўриб чиқишгани, материал қандай танлангани, айрим ҳаракатлар қандай бажарилганига диққат

қилинади. Тарбиячи бу ҳақда қисқа-қисқа гапириб ўтади. Ҳар бир машғулотдан сўнг болаларга қурилмани жой-жойига қандай тахлашни, қандай жойлаштиришни тизимли равишда кўрсатиб ўтади. Шу тариқа қуриш-ясашнинг оддий қурилмаларини ясашда болалар техник малакаларга эга бўладилар.

Ҳар бир мавзу, у билан боғлиқ конструкция намуналар серияси асосида борган сайин мураккаблашиб боради. Ҳар бир машғулот тарбиячи раҳбарлигида олиб борилади, баъзи бир вариантларни болалар ўзлари мустақил бажарадилар, шу орқали ўзларининг мустақил фикрлаш малакаларини ривожлантирадилар. Болалар баъзан ўзлари ўйлаб қўйган, истаган нарсаларини мустақил ясашлари мумкин. Бундан мақсад - ҳосил бўлаётган малакаларни ижодий фаолият асосида мустаҳкамлаш, мустақил фикрлашга ўргатиш.

Машғулотда тарбиячи бирор бир қурилмани турли хил вариантларда қуриб кўрсатади, ушбу жараённи амалий иш билан боғлаш учун ўйинчоқлардан ҳам фойдаланади. Болаларга қуриш материалларнинг қисмлари номини яхши ўзлаштириш учун тарбиячи машғулотдан кейин материалларни столга бирма-бир қўйиб, уларни номини айтади.

Тарбиячи қуриш-ясаш жараёнида болаларнинг ишларини тўғри бажаришларини, материалдан тўғри фойдаланишларини кузатиб боради. Агар у болаларнинг бирон бир хатосини кўрса, у пайтда қайтадан тушунтириб, кўрсатиб бериши керак. Болаларнинг иш фаолиятини таҳлил қилганда тарбиячи фақатгина натижаларнигина эмас, балки болалар намунани қандай кузатганликлари, материални танлаб, ишни қандай бажара олишларини ҳам ҳисобга олади.

Конструктив-техник фаолият мобайнида (том ясаш, қоғозларни тахлаш, винт ёрдамида деталларни бирлаштириш ва ҳ.к.) болалар нарса-буюмларни кўздан кечириш, таҳлил қилиш, ўзаро чоғиштириш, умумий ва фарқли томонларини ажратиш, хулоса ҳамда умумлашмалар чиқариш, ижодий фикрлаш кўникмаларига эга бўладилар. Тарбиячи берган топшириқ шартини тушуниб етиш, уни бажариш йўлларини излаш жараёни эса уларни қуриш-ясаш йўлларини ўрганишга ундайди, ўз фаолиятини режалаштириш ва назорат қилиш, бир сўз билан айтганда, ўз фаолиятини ташкил этиш ҳақида ўйлашга даъват этади.

## II. Ўрта гуруҳда болаларга қуриш-ясашни ўргатиш

Ўрта гуруҳда, асосан, информацион-рецептив методлардан фойдаланилади. Тарбиячи болаларга янги билим бераётганда, расмни кўрсатиб, унда тасвирланган объект, нарса-буюмларнинг асосий қисмларини ажратиб тушунтиради, намунани кузаттириш пайтида нарса-буюмлар ўртасидаги фарқ, ўхшашликка эътибор қаратади. Болалардан қурилма нимадан, унинг қисмлари қайси деталлардан иборат эканлиги сўралиб, шу билан улар таҳлил қилишга жалб қилиниши лозим. Бунда тарбиячи болалар жавобидаги хатони тўғрилайди, зарур бўлса, йўлланма беради. Кўприк конструкциясини ўйлаб топиш вазифасини берганда, қисқа суҳбат ўтказиб, кўприкнинг асосий қисмлари нимадан иборатлигини эслатади. Мавжуд материаллардан қурилма учун керакли бўлганларини танлаб олишни таклиф қилади. Қуриш-ясаш машғулотида болаларга таниш бўлган материаллар стол устига қўйилади, уларнинг ёнига турли хил майда ўйинчоқлар териб қўйилади. Машғулотнинг бошида тарбиячи болаларнинг нима ясамоқчи эканликларини, ким қандай материаллардан фойдаланмоқчи эканлигини аниқлайди. Чунки болалар керакли материални танлаб олиб, кейин қуришни бошлашлари лозим. Тарбиячи болалар ишини кузатиб, уларга ёрдам беради, рағбатлантиради. Болаларнинг ўзлари ўйлаб топган қурилмалари таҳлил қилинади, қуриш-ясаш жараёнида мустақил бўлишларига имконият яратади.

Тарбиячи 4-5 ёшли болаларга намунада кўрсатилган уйча, автобусларни секин-аста мураккаблаштирган ҳолда қуриш-ясашни таклиф этади. Бунда болаларга қуйидагича вазифа қўйилади: “Энди худди шундай кенгроқ автобус ёки баландроқ уй қур”. Болалар намуна ва вазифа шартини таҳлил этиб, ўзлари иккита мавжуд йўлдан бирини танлайдилар, яъни аввалги конструкциялаш принципини сақлаган ҳолда уйчани баландроқ ва узунроқ, автобусни эса кенгроқ ясайдилар. Шу тариқа болаларнинг диққати натижага эмас, вазифа ёки топшириқни бажариш йўлларига қаратилади. Бу эса ўқув фаолиятнинг эгалланишида муҳим аҳамият касб этади. Бу ёшда болалар қуриш-ясаш фаолиятида нафақат мустақилликни, ташаббускорликни намоён этадилар, балки ўзларининг қизиқарли конструкцияларини ҳам яратадилар.

Ўрта гуруҳда қуриш-ясаш нарса-буюмларнинг хусусиятлари билан танишиш, шу хусусиятларига асосланиб гуруҳларга

ажратиш, қурилмаларни қуриш ишининг кетма-кетлигини режалаштириш, олдиндан қисмларни шаклига, катта-кичиклигига ва мустаҳкамлигига қараб танлашга ўргатилиб борилади. Ушбу босқичда болалар цилиндр номи билан танишиб, уни тўғри айтишга, цилиндрдан ўз ўрнида тўғри фойдаланишга ўргатилади.

Болаларнинг ҳар бир янги конструкцияни ўзлаштириб олишлари учун бир неча машғулот ўтказилади. Биринчисида, намунага қараб қуриш, кейинги машғулотларда шу намунани ўзлари мустақил таҳлил қилишга, яъни конструктив масалани ҳал этишни ўргатиш устида иш олиб борилади. Масалан, болалар намуна асосида кўприк қисмларини: кўприкнинг таянч қисми, кўприкнинг ўзи ва машиналар учун пластик ҳамда зина қисмини билиб оладилар. Шундан сўнг улар билан уни қуриш учун қандай матераллардан фойдаланиш кераклиги ҳақида суҳбат ўтказилиб, уларга баланд ёки кенг кўприк қуриш вазиф қилиб топширилади. Кейинчалик болалар ўзларида бор қуриш материалларидан кенг фойдаланиб, янгидан янги кўприк конструкцияларини ўйлаб топадилар. Тарбиячининг раҳбарлигида болалар битта конструкцияни бир неча мураккаблашган кўринишларда қуришга ўрганадилар. Бу эса уларда қуришнинг турли йўллари ҳақида тасаввур пайдо қилади, фикрлаш қобилиятларини ўстиради.

Қуриш материаллари тузилишига, яъни шаклига қараб алоҳида-алоҳида токчаларга ёки бўлимларга ажратилган жавонларда сақланиши мумкин. Бу нарса болаларнинг ўзларига керак қуриш материалларини тез ва осон топишлари ва ҳар бир шаклни тезроқ ўзлаштириб олишларига ёрдам беради.

Ўрта гуруҳда болаларга таниш бўлган қисмларни (кубик, ғиштча, пластина) номлаш билан бирга, уни бир-биридан фарқлашга ҳам ўргатилади. Болалар қурилмаларни мустақил таҳлил қилишни ўрганадилар: унинг асосий қисмларини ажратиш, уни катта кичиклиги, тузилишини фарқлаш, нарсаларни қандай жойлашганлигини ўрганадилар. Болалар кичик гуруҳда тарбиячини намунаси асосида кўрган бўлсалар, ўрта гуруҳда эса, мавзуни номланиши, ўзлари ўйлаганлари бўйича қурадилар. Шунинг учун болалар диққати қурилмани олдиндан режалаштириб, унга керакли бўлган шаклларни танлашга қаратилади. Ўрта гуруҳда қуриш ясаш нарса-буюмларини фарқлаш, уларни хусусияти билан танишиш, шу хусусиятига асосланиб нарса-буюмларни гуруҳларга ажратишни ўрганадилар. Қурилмаларни қуриш ишнинг кетма-кетлигини

режалаштиришга болаларни олдиндан қисмларни шаклига, катта-кичиклигига ва мустаҳкамлигига қараб танлашга ўргатилиб борилади.

Тарбиячи болаларга янги билим бераётганда, уларга иллюстрацияни (масалан, минора, Миср эҳронлари ва бошқ.) кўрсатиб, унда акс этган асосий қисмларни ажратиб кўрсатади.

Болаларни қоғознинг хусусиятлари билан таништирилади. Ўрта гуруҳ тарбияланувчиларига табиий материал бўлган - шох, барг, илдиз, турли ёнғоқлар, уларнинг пўстларидан нарса ясаш мумкинлигини, ясаш йўллари ўргатилиб, қуйидаги умумий кўникма ва малакалар шакллантириб борилади: нарса-буюмларни текшириш, кетма-кетликка асосланиб ишлаш, бошлаган ишни охиригача бажариш ҳамда қўлларни аниқ ҳаракатлантириш ва ҳоказолар.

Дастлабки машғулотда тарбиячи болаларга қоғоздан ясалган бир нечта ўйинчоқни кўрсатиб, қоғозни буклаб, ёпиштириш орқали арчани ясатиш учун турли хил қизиқарли ўйинчоқлар ясаш мумкинлиги ҳақида гапириб беради.

Методик адабиётларда тавсия этилишига кўра қоғоздан тўрт хил усул билан нарса-буюм ясаш мумкин.

Оригами усули қоғозни буклаш йўли билан нарсалар ясаш маъносини билдиради. Бу усулда ишлаш жараёнида қоғозни симметрия тарзда буклаш мухим аҳамият касб этади. Болалар билан қоғоздан нарса буюмлар, ўйинчоқларни ясаш босқичма-босқич амалга оширилади.






Киригами усули қоғозни йиртиш ёки симметрик қирқиш йўли билан нарса ясаш маъносини билдиради.

   

Кусудама усул қоғозни буклаш йўли билан гул ясаш маъносини билдиради.

 

Цукудама усул кусудама модулларидан қўғирчоқ ясаш маъносини билдиради.

 

Ўйин ва конструкциялашнинг бир-бирига таъсири икки хил кечади, чунки улар бир-биридан кескин фарқ қилади: ё қуриш-ясаш билан боғлиқ ролли ўйинларда қуриладиган қурилма бир қадар содда, рамзий характерда бўлади, болаларнинг асосий эътибори ролларни (космонавтлар, техниклар, ўт ўчирувчилар ва ҳ.к.) ижро этишга қаратилади, ёки конструкциялаш фаолияти тўлиқ амалга оширилиб, бутун эътибор қурилмани мўлжалга жавоб берадиган қилиб тўлақонли ясашга сафарбар қилинади, қурилма тайёр бўлгандан кейингина ўйинга ўтилади.

**III.Катта гуруҳларда болаларга қуриш-ясашни ўргатиш**

Катта гуруҳда нарса-буюмни таҳлил қилиш, уларнинг характерли белгиларини солиштириш асосий мавқеда бўлади. Бу гуруҳда болалардан вазифани тушуниш, уни мустақил бажариш талаб этилади. Тарбиячи сўзлаб бериш орқали тушунтириш ва

ўргатиш усулини қўллайди, бунда мавзуни расм, иллюстрациялар орқали тушунтириб беради. Асосий диққат болаларни ўз ўйлаб қўйганлари бўйича ишлашга қаратилади. Уларда қурилмаларни мустаҳкам қуриш, ғиштлардан устун кўтариш каби янги малакалар шаклланади. Жамоа бўлиб қурилма (ҳайвонот боғи, кўча, болалар боғчаси) қуришни ҳамкорликда ишлаш малакасини ҳосил қилади. Бундай иш усули кўплаб қурилмалар мисолида давом эттирилади.

Дастлабки машғулотларда болаларга оддий, яъни деворни намуна орқали қуриш вазифаси берилади. Тарбиячи устунчаларни қуриш, сўнг ғиштчаларни тўғри жойлаштириш намунасини кўрсатади. Кейинги машғулотда эса болалар иккита уй қурадилар. Бу вазифа намунасиз бажарилади. Вазифанинг шу тариқа қўйилиши ва унинг шу тарзда аста-секин мураккаблаштириб борилиши болаларни кейинги мустақил фаолиятга тайёрлайди. «Тепалик қуриш» машғулотларида болалар аввал тарбиячининг намунасини кўриб, тепаликнинг баландлигини белгилаб оладилар. Шундан сўнг бу тепаликдан коптокчани думалатиб кўрадилар. Тарбиячи болаларга тепаликнинг баланд-пастлигига кўра коптокчаларнинг тез ва секин думалашини тушунтириб беради. Болаларга баланд ва паст тепалик қуриш топшириғи берилади. Бу машғулотда улар коптокчанинг тез ёки секин думалаши тепаликнинг баланд-пастлигига боғлиқлигини аниқлайдилар, яъни баланд тепаликдан коптоқ тез, паст тепаликдан эса секин думалайди. Бундай машғулотлар болаларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Катта гуруҳда нарса-буюмни таҳлил қилиш уларни характерли белгиларини солиштиришга ўргатиб борилади. Бу гуруҳда вазифани тушуниш, уни мустақил бажариш қуриш фаолиятининг оддий элементлари ҳисобланади. Катта гуруҳда болаларнинг тарбиячи тушунтириб берганидек қилиб, яъни сўзидан келиб чиқиб қуриш-ясаш вазифаларини бажаришлари муҳим аҳамият касб этади. Бунда тарбиячи расм, иллюстратциялардан фойдаланиши мумкин. Асосий диққат болаларда буюртма асосида ишлаш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилади.

Бу босқичда тарбиячи болаларга бирор нарсани қуриш вазифасини бергач, улар билан шу вазифани қандай бажариш маъқул эканлиги ҳақида суҳбат ўтказади. Бунда баъзан болаларнинг ўзлари тарбиячига савол беришлари ҳам мумкин. Тарбиячи болалардан ўзлари қурмоқчи бўлган қурилмани тасвирлаб беришни

сўрайди. Болалар сўзлаб бераётганларида тасаввур бойликлари маълум бўлади. Тарбиячи шу ўринда агар болаларнинг тасввурларида айрим етишмовчиликлар бўлса тўлдиради.

Бу ишлар қоғоз билан ишлашда ҳам давом эттирилади. Болаларга қоғозни тенг буклаш, тўрт буклаш, букланган жойни текислаш ўргатиб борилади. Қоғозни 16 квадратларга буклаш, бурчак ва томонларини аниқ жойлаштириш, доирани диаметри бўйлаб буклаш ва конус ҳосил қилиб ёпиштириш устида ишланади. Масалан, қоғоз цилиндрни бирлаштириб, турли, мураккаб бўлмаган саватча, цилиндрли композицияларни ясайдилар.

Намуна кузаттирилгач, квадрат қоғозни қандай буклаб қирқиш, қандай ёпиштириш кераклиги кўрсатилади. Саватчанинг бандини қандай ёпиштиришни эса болалар ўзлари ўйлаб топадилар. Иккинчи машғулотда эса квадратни диагонал бўйича буклашни ўрганадилар. Тарбиячи тушунтираётганда икки томони қирқилган, букланган тайёр квадратдан фойдаланилади. Болалар олдинги машғулотда олган билимларини уйча қуришда қўллайдилар, ўзлари қирқиб ёпиштирадилар. Машғулотнинг бошида намунани кузатаётганда тарбиячи ишни қандай бажаришни болаларга ўргатади ва ёрдам беради. Қоғоздан нарса ясашни маълум бир вақтдан сўнг қайтариш мумкин, лекин болалар буни ўзлари мустақил бажарадилар (масалан, очиқ қутича). Тайёр шакллардан бирор бир нарсани ёпиштириш орқали ясашни болалар аста-секин ўрганадилар. Биринчи машғулотда тарбиячи гугурт қутисидан қандай қилиб автобус ясашни кўрсатади: қутини қандай қилиб бир-бирига ёпиштириш, ғилдиракларни қандай қилиб бирлаштириш ва ҳоказо. Болалар топшириқни кўрсатиш ва тушунтириш асосида бажарадилар. Иккинчи машғулотда тарбиячи болалардан автобусни қандай ясаганликларини эслатиб, сўнг тайёр ясалган мебелнинг бир неча намунасини болаларга намойиш қилади. Бу қурилмаларни болалар кузатиб бўлгач, улар қандай қилиб бир-бирига ёпиштирилганлигини ва бошқаларни кўрадилар. Қуришлари керак бўлган нарса-буюм учун керакли материаллар танлайдилар. Бунда улар ўзлари қайси материалдан нима ясашларини, қандай қилиб ясашларини мустақил ҳал қиладилар. Лекин кейинги машғулотларда мавзу анча мураккаблашади, яъни қутича, картон, қоғоздан юк машинаси, кема ясаш ва ҳоказо. Бу пайтда тарбиячи яна болалар билан биргаликда иш олиб боради, яъни ўзи кўрсатиб, тушунтириб беради. Иш фаолиятининг бундай олиб борилиши

болаларнинг кейинги ижодий фаолиятида катта аҳамиятга эга. Шундай қилиб, топширик мураккаблашиб боради: тайёр ярим доирани қирқишга ўтилади. Тарбиячи буни тушунтиради, қолганини эса болалар ўзлари бажарадилар. Шундай қилиб болалар машғулотлар давомида  квадратни диагонал бўйлаб буклаш, томонларни, бурчакларни тўғри бирлаштириш, қайиқ, ўйинчоқлар ясашни ўрганадилар. Машғулотларда болалар тайёр мураккаб бўлмаган андоза бўйича ишлашга ҳам киришадилар. Уларда фикрлаш, ижодиёт, фантазия ривожланиб боради. Бошқа материаллардан нарса ясашга ўргатишдан олдин тарбиячи материалнинг хусусияти билан таништиради, болалардан шу материални ушлаб кўриб, унинг қандай эканлигини айтишни сўрайди, паролон – юмшоқ, енгил, уни эзса, яна ўз ҳолатига қайта олади. Паролондан болалар қорбобо, қуёнча, жўжа ва ҳоказолар ясайдилар. Нарса ясашни тушунтираётганда тарбиячи асосий диққатни алоҳида нарса-буюмларни қандай бирлаштиришга қаратади, машғулот давомида эслатиб туради.

Тарбиячи болаларга қоғоз ва бошқа материалдан нарса ясашни ўргатишда нарсаларни кетма-кет кўрсатиш, тайёр намунани кузатиш, болалар билимини текшириш учун саволлар бериш, бажариш усулини кўрсатишдан кенг фойдаланади.

Тарбиячи болалар диққатини янги ясаладиган нарсага қаратиш учун машғулотга бир, икки кун қолганда қўл ишлари бурчагида намуналар кўргазмасини ташкил қилади. Масалан, кичик цилиндрли композициялар қўяди, цилиндрдан икки хил фигура – тулки ва қуён, айиқча ёки турли ўйинчоқларни намойиш қилади. Тарбиячи бу ўйинчоқларни кўрсатмай туриб, болалар эътиборини уларнинг бир-бирига қандай бирлаштирилганлигига қаратади. Машғулотда баъзан янги усулни индивидуал тарзда кўрсатиб беради. Болалар паролондан доирача ҳосил қилишни ўрганганларидан сўнг ҳамма болаларга доирачани сим билан қандай бирлаштиришни кўрсатади. Болалар ўз ишларини бажараётганларида тарбиячи қийналган болаларга ёрдам беради. Бу нарсаларнинг нима учун ясашларини, нима учун кераклигини (ўйин учун, кичкинтойларга совға учун, арчани безатиш учун ва ҳоказо) билган болалар турли қуриш материалларидан фойдаланиш малакаларини эгаллайдилар.

Катта гуруҳда болалар таълим жараёнида турли конструк-торлардан (тахта, пластмасса) фойдаланадилар. Бу тўпламлар

орқали турли конструкциялар ясаш мумкин. Тарбиячи раҳбарлигида болалар оддий бирлаштириш усулидан суратлар бўйича турли хил ҳаракатланадиган конструкциялар ясайдилар. Асосий диққат болаларда маълум қисмларни бирлаштириш малакаларини шакллантиришга қаратилади.

Катта гуруҳларда тарбиячи болаларга конструкциялаш учун тайёр намуна бермасдан, фақат объектнинг асосий хоссаларини маълум қилади. Бунда топшириқ шарти муҳим ўрин тутади. Масалан, «Шундай кўприк қургинки, ундан машиналар ҳам, алоҳида йўлакдан одамлар ҳам ўтсин!» Бола ана шу хоссалардан келиб чиқиб ўзи ҳаракат қилиши, зарур материалларни ажратиши, қурилманинг баланд-пастлиги, узун-қисқалиги, кенг-торлигини белгилаб олиши, техник ечимларни излаб бориши лозим бўлади. Объектни қураётганда боланинг ўз ишини текшириб кўриши ҳам муҳим. Масалан, юк машинаси гаражга кира оладими-йўқми, деган маънода юк машинасини ўтказиб кўради ва ҳ.к. Албатта, бу даражага болалар аста-секин эришиб борадилар. Ҳар бир бола ўз қобилиятини ўстириш учун алоҳида-алоҳида топшириқ олгани маъқул. Бундай фаолият бир-бирининг тажрибасини, билимини бойитиш учун хизмат қилади, натижада ҳамма баравар ривожланади.

Болалар билан сайрга чиққанда мақсадли кузатишлар ташкил этилади. “Менинг шаҳрим” мавзусини ўтишдан аввал педагог болаларни шаҳар бўйлаб экскурсияга олиб боради ва болалар диққатини шаҳарни қурилиши ва эстетик тузилишига қаратади. Машғулотда болаларни гуруҳчаларга бўлиб, ҳар бир гуруҳга бирор бир майдон, кўчалар қуриш топширилади.

Кинотеатрга экскурсиядан сўнг болалар томошабинлар зали, фоега кириш қисмини куб, призма, ярим доира шаклига эга эканлигини кўрадилар ва ўзлари кинотеатр қурганларида шу нарсаларга эътибор берадилар. Тарбиячи томошабинлар зали ва фоени қурилиш усулини кўрсатиб беради. Болалар жамоа бўлиб бирга турли мавзуларда нарсалар қурадилар (кўчалар, темир йўллар, вокзал, ҳайвонот боғлари, кинотеатрлар ва ҳоказо).

Болаларни қуриш ва конструкциялашга ўргатишда сайр ва саёҳат асосий ўринни эгаллайди. Саёҳатдан аввал ёки кейин иллюстрациялар, слайдларда акс этган тасвирлар асосида уларда пайдо бўладиган тасаввурларни маълум томонга йўналтириш фойдали. Булар машғулотлар олдида турган вазифаларни ҳал

этишга қаратилган ҳолда кўрилиши, суҳбатлар ўтказилиши керак. Ушбу ишлар болаларни навбатдаги машғулотларда ҳал этиладиган аниқ вазифаларни олдиндан қабул қилишга, уларнинг ечимини топишга, билимларини фаоллаштиришга сафарбар қилади. Масалан, сайр пайтида тарбиячи болаларга кўчаларда жойлашган уйлар, майдонлар ҳақида сўз юритади. Суҳбатлар чоғида тарбиячи уларнинг эътиборини уйларни қуриш усулларига тортади, суҳбат якунида турли кўринишдаги уйларни қуриш мумкинлиги, айни пайтда уларни тўғри жойлаштира билиш зарурлигини таъкидлаб ўтади.

Болалар машғулотларда эгаллаган билимларини бўш вақтларида мустақил фаолиялари орқали мустаҳкамлаб боришлари лозим.

## IV. Тайёрлов гуруҳларида болаларга қуриш-ясашни ўргатиш.

Тайёрлов гуруҳида болаларга нарса-буюмни умумий ва индивидуал хусусиятларини ажратишга ўрнатилади. Болалар нарсаларнинг қисмлари нисбатини, симметриясини аниқ чамалашга, нарсаларни чиройли безашга ўрганадилар. Бу ёшдаги болалар қурмоқчи бўлган нарсаларини олдиндан тасаввур қилиб, уни қандай тузилишини гапириб бера олишлари керак, бунинг учун қандай материални танлаб, ишни қандай бажарилишини билишлари лозим. Тарбиячи болаларга мажмуавий нарсаларни жамоа бўлиб қуришни ўргатиб боради. Ушбу гуруҳда болалар берилган топшириқ бўйича, расмларга қараб мураккаб бўлган турли нарсаларни ясайдилар. Ушбу жараёнда улар боғлиқликни ҳисобга оладилар. Педагог асосий диққатини бинокорликнинг зарурлигига, уларда миллий анъаналарни акс эттиришга эътиборни қаратади.

Тарбиячи машғулот ўтишдан аввал болаларни транспорт турлари (автобус, поезд, самолёт, кема) билан таништиради. Шундан сўнг кема турлари (юк, ҳарбий, йўловчи ташийдиган кемалар, теплоход) ҳақида суҳбат ўтказиб уларнинг тузилишидаги умумий томонларни ва фарқларини тушунтириб беришни сўрайди.

6-7 ёшли болаларга тарбиячи конструкциялашни тегишли шарти бўйича, яъни тайёр намуна бермасдан, фақат объектнинг асосий функцияларини ифодалайдиган топшириқ шартларини айтади. Бундай вазиятда бола қўйилган шартлар асосида объектни ясаб бериши лозим. Шу тариқа болалар йўловчилар учун кўприк ва

дарёдан сузиб ўтиш учун транспорт турларини яратадилар. Бунинг учун боладан аввал топшириқ шартини ўйлаб кўриш ва шу асосда қурилажак кўприк конструкциясини яратиш, сўнг қуриш йўлларини саралаб, кетма-кетлигини режалаштириши талаб этилади. Бу каби иш турини бажариш учун дастлаб топшириқ шартига қайтилади: аввал дарёнинг бошланиши ва эни, сўнг кўприкни кўтариб турувчи устунлар кенглиги ҳисобга олинади. Бунда бола техник томонини бажаришда доимий изланишда бўлади, яъни кўприкни мустаҳкам қуришга эришиш, машиналар учун тушиш жойларни ясаш, йўловчилар учун қулай шароит яратиш ва бошқ. Болалар билан бундай мураккаб фаолиятни бажаришга босқичма босқич ўтилади.

Кейинги босқичда болалар бир объектни жамоа (икки-тўрт бола) бўлиб қуришлари мумкин.

Тарбиячи уларнинг фикрларини умумлаштиради ва ўзлари танлаган кема турини қуришни таклиф этади. Болалар ўз тасаввурлари ва билимларига асосланган ҳолда вазифани бажарадилар. Бунда ўз фантазияларини ишга соладилар.

Тайёрлов гуруҳида болалар нарса-буюмнинг умумий ва индивидуал хусусиятларини ажратишга ўргатилади. Болалар нарса-буюмлар қисмларининг нисбатини, симметриясини аниқ чамалашни, нарсаларни чиройли безашни ўрганадилар. Бу ёшдаги болалар олдиндан қурмоқчи бўлган нарсаларини тасаввур қилиб, уларнинг тузилишини гапириб бера олишлари керак, бунинг учун қандай материалларни танлаб, ишни қандай бажаришни билишлари лозим.

Мактабга тайёрлов гуруҳидаги болаларни мебель, транспорт турлари, бинолар, минора, кўприклар, варраклар, ўрмон кўриниши, тоғ ландшафти, билан таништириш, ракета, космодром асосида қуриш-ясашга ўргатиш катта аҳамиятга эга.

Болаларга уч подъездли, икки қаватли; бир қаватли, ойналари катта-катта; тўрт подъездли ва ҳоказо вариантларда уй қуриш топширилади. Болалар ушбу жараёнда ҳар хил уйлар ўйлаб топиш мумкинлигига ишонч ҳосил қиладилар. Лекин тарбиячи уйларнинг мураккаблик даражасини ҳам ҳисобга олиши лозим. Бирданига мураккаб уй қурилса, болаларни қийнаб қўйиш мумкин. Бу тарзда иш олиб борганда, болалар ҳам уйларнинг турли вариантларини ўйлаб топишга ўрганадилар. Ҳар бир конструкция варианти уй

қуришнинг муайян шартларига жавоб бериши лозимлиги ҳақида тушунчага эга бўладилар.

Тайёрлов гуруҳ болалари асосан қуриш-ясашнинг қуйидаги усулидан фойдаланадилар, яъни тарбиячининг топшириғи бўйича бола ўз тасаввурига таянган ҳолда расм, фотосуратлардан фойдаланади. Бир неча хил қурилма мавзуси берилади. Катта гуруҳга қараганда бу гуруҳга бериладиган вазифалар мураккабдир. Намуналар кўпинча расм, фотосурат бўлиб, уларда болалар ишлатмаётган қуриш материалидан қурилган қурилмалари акс этган бўлади.

Тайёрлов гуруҳида болалар катта гуруҳда қурган қурилмалари, ясаган нарса-буюмларини мураккаблаштириш мазмунидаги топшириқларни бажарадилар. Масалан, картон ёрдамида ўйинчоқлар тайёрланади (қўлини ҳаракатлантира оладиган қуён...).

4. Картон қоғозлар ва каробка қутиларини кичик жамоада биргаликда ишлаши орқали уйчани қуриш таклиф этилади.



**“Болалар майдончаси”**

1. Қуриш-ясаш ва конструкторлаш марказида болалар майдончасини қуришда лего ва конструкторлардан, кичик қурилиш материалларидан фойдаланилади.

2. Болалар ўз тасаввуридаги майдончани қурадилар. 1-расм

3. Болалар майдончасини болалар ўз фантазиялари ва ижодкорлиги билан бойитадилар, тўлдирадилар.2-3 расмлар



**“Қушлар учун донхўрак ясаймиз”**

1. Болалар қушлар учун донхўрак ясашда лего ва конструкторлардан, табиий ашёлардан, ташландиқ материаллардан фойдаланадилар.

2. Турли пластмасса идишлар ва чўплардан фойдаланиб, қушлар учун ажойиб донхўрак ясалади. 1-расм

3. Лего ва конструкторлардан ҳам донхўрак ясаш мумкин. 2-расм

*1-расм*



*2-расм*



## **“Математик танграм”**

1. Болалар марказда математик танграмдан мустақил фойдаланадилар.

2. Болаларни математик танграмдан геометрик шаклларни бирбиридан фарқлаши, таққослаши, солиштириши алоҳида инобатга олинади.1-расм

3. Танграмдан турли кўринишларни ҳосил қилиш, ўз фантазия ва ихтироларини намойиш этадилар. 2-расм

4. Турли ҳайвонларни шакллари, нарса ва предметларни акс эттириши тавсия этилади. 3-4-5 расмлар

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*







**“Легодан юк машинаси ясаймиз”**

1. Болалар марказда легодан юк машинасини ясашда лего ва конструкторлардан фойдаланадилар.
2. Болаларни лего бўлакларидан юк машинасини ясашда ўз фантазиялари ва ихтиролари алоҳида инобатга олинади.1-расм
3. Юк машинасини ясашда болалар ўз ҳоҳиишларига қараб бойитадилар. 2-расм

*1-расм*



*2-расм*



## “Гараж қурамиз”

1. Болалар марказда машина учун гараж қуришни мустақил қура оладилар.

2. Болалар гараж қуришда ўз тасаввурлари асосида қуриш алоҳида инобатга олинади.1-расм

3. Гараж қуриш учун лего бўлаклари, ёғоч конструкторлардан фойдаланилади. 2-расм

4. Турли гараж кўринишлари, нималардан ясалганлиги қанча шакл ва қисмлардан фойдаланилганлиги ўрганилади.1-2-3 расмлар

1-расм



2-расм



*3-расм*



## “Машина йиғамиз”

1. Болалар марказда машинани қисмларини йиғишда лего ва конструкторлардан, ўз ўйинчоқлари машиналаридан фойдаланадилар.

2. Болалар машина қисмларини йиғишда нечта лего бўлакларидан фойдаланганлиги ҳисоблаб чиқилади.1-расм

3. Машина қуришда болаларнинг мустақил машина бўлакларини ҳосил қилиш, ўз фантазия ва ихтироларини намойиш этадилар. 2-расм

*1-расм* *2-расм*










**“Вертолёт ясаймиз”**

1. Болалар марказда вертолётни мустақил қуришга ҳаракат қиладилар.

2. Болаларни математик танграмдан геометрик шаклларни бир-биридан фарқлаши, таққослаши, солиштириши алоҳида инобатга олинади. 1-расм

3. Танграмдан турли кўринишларни ҳосил қилиш, ўз фантазия ва ихтироларини намойиш этадилар. 2-расм

4. Турли ҳайвонларни шакллари, нарса ва предметларни акс эттириши тавсия этилади. 3-4-5 расмлар









## “Кема ясаймиз”

1. Болалар кема ясаши учун лего ва конструкторлардан фойдаланадилар.

2. Болалар ўз хоҳишларига қараб кеманинг турли хил кўринишларидан фойдаланиб ясайдилар.

3. Кема ясашда лего бўлакларини мазмунан бир-бирига тўғри жойлаштириш тавсия этилади.1-расмлар

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



## *“Шифохона қурамиз”*

1. Болалар шифохона қуришда турли лего ва конструкторлардан фойдаланадилар.

2. Шифохона қисмларини лего бўлаклари ва конструктор қисмларидан тўлдириб қурадилар.

3. Болалар ўз ижодий қобилияти ва фантазияларини ишга солиб шифохона қисмларини бойитадилар. Масалан тез ёрдам машинаси, одамлар, ...

*1-расм* *2-расм*





**“Ўт ўчирувчи машина ясаймиз”**

1. Болалар ўт ўчириш машинасини қуришда турли лего ва конструкторлардан фойдаланадилар.
2. Ўт ўчирувчи машина қисмларини лего бўлаклари ва конструктор қисмларидан тўлдириб қурадилар.
3. Болалар ўз ижодий қобилияти ва тасаввурлари билан машина қисмларини бойитадилар.

*1-расм* *2-расм*






**“Милиция машинасини ясаймиз”**

1. Болалар милиция машинасини қуришда турли лего ва конструкторлардан фойдаланадилар.
2. Милиция машина қисмларини лего бўлаклари ва конст-руктор қисмларидан тўлдириб қурадилар.
3. Болалар ижодий қобилияти ва фантазиялари асосида милиция машина қисмларини қурадидилар. 1-расм

*1-расм*



***Декабр “Кўп қаватли уйлар”***

1. Болалар кўп қаватли уйлар қуришда турли лего ва конструкторлардан фойдаланадилар.

2. Кўп қаватли уйлар қисмларини лего бўлаклари ва конструктор қисмларидан тўлдириб қурадилар.

3. Болалар ўз ижодий қобилияти ва тасаввурлари билан кўп қаватли бинолар қисмларини бойитадилар.

*1-расм*



*2-расм*



***“Стадион қурамиз”***

1. Болалар стадион қуришда турли лего ва конструкторлардан фойдаланадилар.

2. Стадион қисмларини лего бўлаклари ва конструктор қисмларидан тўлдириб қурадилар.1-расм

3. Болалар ўз ижодий қобилияти ва фантазиялари билан стадион қисмларини қурадилар. Масалан футболистлар, копток, дарвоза, томошабинлар ва ўриндиқлар....2-расм

*1-расм* *2-расм*





**_“Спорт саройи қурамиз”_**

1. Болалар спорт саройини қуришда турли лего ва конструкторлардан фойдаланадилар.

2. Спорт саройини қисмларини лего бўлаклари ва конструктор қисмларидан тўлдириб қурадилар.

3. Болалар ўз ижодий қобилияти ва тасаввурлари билан спорт саройини бойитадилар. Масалан спорт инвентарлари, спорт анжомлари...

*1-расм*



**_“Арча ясаймиз” оригами_**

1. Болалар арча ясашда рангли қоғоз, елим, қайчи ва безак учун мосламалардан фойдаланадилар.

2. Арча қисмларини оригами усулида қоғоздан ясалади.

3. Болалар рангли қоғозларни доира шаклда қирқиб оладилар. Доирачаларни шакли катта кичиклиги ҳар хил яъни 4 хил катта, ўрта, кичик ва энг кичик кўринишда шакл қирқиб олинади. 1-расм

5. Тайёр доирачалар гафри шаклида буклаб чиқилади. 2-3 расмлар

6. Букланган доирачалар ўртаси тешилади ва махсус ёғоч чўп ўрнатилади.

7. Катта , ўрта, кичик ва энг кичик шаклдаги доирачалар кетма кетликда бир-бирига бириктирилади.4-5  расмлар

8. Арча тайёр ҳолатга келтирилади ва безак берилади.7-8 расмлар





### *“Қишки ўйингоҳ”ясаш*

1. Болалар қишки ўйингоҳни  қуришда турли лего ва конструкторлардан фойдаланадилар.

2. Қишки ўйингоҳ лего бўлаклари ва кичик қурилиш материалларидан фойдаланиб қурадилар.

3. Болалар ўз ижодий қобилияти ва тасаввурлари асосида ўйингоҳ қисмларини бойитадилар. Масалан уйлар,қор, қорбобо, болалар,..

*1-расм*



### “Ҳарбий хизмат техник воситалари учун тураргоҳ қуриш

1. Болалар ҳарбий хизмат техника воситалари учун тураргоҳ қуришда турли лего ва конструкторлардан фойдаланадилар.

2. Ҳарбий хизмат техника воситалари учун тураргоҳ қуришқисмларини лего бўлаклари ва конструктор қисмларидан тўлдириб қурадилар.

3. Болалар ўз ижодий қобилияти ва фантазияларини ишга солиб ҳарбий хизмат техника воситалари учун тураргоҳ қуриш қисмларини бойитадилар. Масалан ҳарбий техник машинаси, ҳарбий самолётлар, танк ва ...

*1-расм* *2-расм*






**“Рақамлар кетма-кетлигида карточкаларни йиғиш”**

1. Болалар рақамларни қуришга жуда қизиқадилар.
2. Рақамларни қуришда турли лего бўлаклари, кубиклар, мозаикалар, конструкторлар ва кичик қурилиш материаллари керак бўлади.
3. Тайёр ёзилган рақамларни кетма-кетлигини кубикларда бирлаштирадилар. 1-расм
4. Лего бўлакларидан рақамлар тартиби билан йиғилади ва жойлаштирилади. 2-расм
5. Турли кўринишдаги лего ва конструкторлардан рақамлар ҳосил қилиш мумкин. 3-расм

*1-расм* *2-расм* *3-расм*







Қурилиш ашёларидан “Дўстлик кўпригини қурамиз”

1. Болалар турли лего ва конструкторлардан ва кичик қурилиш материалларидан кўприк қурадилар.

2. Кўприк лойиҳасини кузатган расмлари асосида ва ўлчам ва чизма кўринишида акс эттирадилар.

3. Болалар кўприкни қуришда унинг кенглиги ва оралиғи ўлчанади ва шу ўлчам асосида кўприк лойиҳаси кичик қурилиш материалларидан фойдаланиб, қурилади. 2-расм

*1-расм*



*2-расм*



**“Қоғоздан кабутар ясаш”**

1. Болалар қоғоздан кабутар ясашга ҳаракат қиладилар.

2. Энг аввало А-4 форматдаги рангли қоғоз квадрат шаклда қирқиб олинади. 1-расм

3. Квадрат шаклидаги қоғоздан учбурчак шаклни буклаш асосида ҳосил қилинади. 2-3 расмлар

4. Учбурчак шаклдаги қоғозни яна кичик квадрат шаклини ҳосил қиланади. 4-расм

5. Квадрат шаклини контур чизиғи бўйлаб пастки қисми буклaнади.

6. Кабутарнинг икки қаноти ҳосил қилинади.6-7 расмлар

7. Қоғоздан кабутар шакли тайёр бўлди.

*1-расм*



*2-расм*



## “Тулки ясаш”

1. Ёввойи ҳайвон турларидан бири бўлган тулки тасвирини болалар санъат марказида чизадилар.Қуриш-ясаш, конструкциялаш марказида эса ясайдилар.

2. Тулки кўринишини қоғоздан ҳосил қилишда А-4 форматдаги қоғоздан квадрат шакли қирқиб олинади.1-расм

3. Квадрат шакли букланиб, учбурчак шакл ҳосил қилинади. 2-расм

4. Учбурчакни ўрта қисмидаги учи букланган жойидан яна ички томонга қараб букланади. 3-расм

5. Қолган икки учи эса пастки томонга қараб букланади.4-5 расмлар

6. Тулкининг бош қисми шакли ҳосил қилинади ва унинг тана қисмларига ишлов берилади. 6-7 расмлар

7. Тулки кўринишини лего бўлакларидан ҳам ҳосил қилиш мумкин. 8-расм

*1-расм*



*8-расм*



## “Қоғоздан "Лола" ясаш

1. Болалар лола гулини рангли қоғоз ва картон қоғозлардан фойдаланиб ҳосил қилинади.

2. Лола гулини квадрат шаклидаги рангли қоғозни буклаб учбурчак ҳосил қилинади. 2-расм

3. Учбурчак шаклидаги рангли қоғозни икки ён томони ўнг ва чап томонга қараб букланади. 3-4 расмлар

4. Лола гули шакли тайёр бўлгач, унинг барги ҳам тайёр қилинади.

5. Лоланинг тана қисми учун ҳам квадрат шаклдаги қоғоз учбурчак кўринишида букланиб, пастки қисми ички томонга қараб букланади ва барглари ҳосил қилинади.5-6 расмлар






## “Дарахт ясаш”

1. Болалар билан дарахт ясашда кичик қурилиш материаллари, лего ва конструкторлардан фойдаланилади.

2. Дарахт шаклини ҳосил қилишда лего бўлакларини ранглари алоҳида танланиб, унинг тана қисми, илдизи ясалади.

3. Сўнгра яшил рангли лего бўлакларидан бир хил катталикда бир-бирига бирлаштириб чиқилади.1-расм

4. Дарахтни лего бўлакларидан ясаб турли кўринишларини ҳосил қилиш мумкин. 2-3 расмлар

*1-расм* *2-расм* *3-расм*







## “Севимли китоблардан кутубхона ясаш”

1. Болалар учун мўлжалланган кичик кутубхона ясаш учун энг аввало болалар китоблари керак бўлади.

2. Болалар китоблардан фойдаланиш учун махсус жой бўлишини жуда хоҳлайдилар.

3. Болалар ўз қўллари билан ясаган китоблари эса кутубхона учун энг ажойиб манба ҳисобланади.

4. Ушбу намуналардан китоблар учун қандай жой ва жавонларни танлаш кераклиги, китоблар қандай жойлаштирилиши кўрсатилган.1-2 расмлар

*1-расм* *2-расм* *3-расм*







"Онам учун гулдаста"

1. Болалар оналар куни учун оналар гулдастасини ясайдилар.

2. А-4 форматдаги рангли қоғоздан тўртбурчак шаклдаги тасмачалар қирқиб олинади.1-расм

3. Тасмачалар қайчи ёрдамида бир хил ўлчамда қирқиб чиқилади ва юмалоқланади. 2-3-расмлар

4. Гуллар учун унинг тана қисми барглари ҳам ясалади.

5. Яшил рангли қоғоз бир учидан бошлаб майда қилиб ўраб чиқилади. 4-расм

6. Юмалоқланган гуллар шакли очилиб, унинг тана қисмига бирлаштирилади. 5-6 расмлар

7. Гуллар учун барглар ҳосил қилишда яшил рангли қоғоз майда бир хил ўлчамда қирқиб чиқилади ва ҳосил қилинади.7-8 расмлар

8. Гуллар дастаси ҳосил бўлади ва бирлаштирилади.9-расм

*1-расм* *10-расм*






“Боғда мавзусида қуриш ясаш”

1. Болалар боғда нималар бўлишини тасвирлайдилар.

2. Боғдаги мевали дарахтлар, ўсимликлар шакли ясалади.

3. Боғ мавзусидаги қуриш-ясаш фаолиятини рангли қоғозлар, лего ва конструкторлардан фойдаланилади.

4. 1-расмда картон ва рангли қоғозлардан боғ тасвирланган.

5. 2-3 расмларда эса лего бўлакларидан дарахтлар ясалиб, боғ кўриниши қурилган.

*1-расм* *2-расм* *3-расм*







## “Қушлар учун уйча”

1. Қушча учун уйча ясаш учун болаларга турли картон қоғозлар, каробка қутилар, ёғоч ва тахталар ҳамда унинг ўлчами керак бўлади.

2. Қушлар учун уйчани тайёрлашда унинг ўлчами олинади.

3. Берилган намуна асосида қушча учун уйча кўриниши ясалади.

*1-расм*



*2-расм*



“Капалак ясаш”

1. Болалар билан капалак ясашда А-4 форматдаги рангли қоғозлар, қайчи керак  бўлади.

2. Рангли қоғоз квадрат шаклида қирқиб олинади ва тўртбурчак ва учбурчак шаклда буклaнади.1-2-3-4 расмлар

3. Учбурчак шаклидан ички томонга бир учи букланиб, контур чизиғи бўйлаб букланади.5-6 расмлар

4. Капалак шакли ҳосил қилинади.

*1-расм*



### “Клумба” гуллар учун

1. Гуллар учун клумба ясашда махсус идишлар, ташландиқ материаллар керак бўлади.

2. Гуллар шаклини ҳосил қилишда унга безак беришда мосламалар ўрнатилади.





### “Келажак шаҳри”

1. Болалар ўз тасаввуридаги келажак шаҳрини бунёд этадилар.

2. Шаҳар лойиҳасини тайёрлашда лего бўлаклари, конструкторлар ва ўз ўйинчоқларидан фойдаланадилар.

3. Келажак шаҳрига ўз ижодкорлигига қараб ишлов берилади.

*1-расм*



*2-расм*



### “Чиқиндиларни ташиш машинаси ясаш”

1. Болалар чиқинди ташиши машинасини диққат билан кузатадилар.

2. Чиқинди ташиш машиналарини турли лего бўлаклари ва конструкторлардан фойдаланадилар.

3. Чиқинди машиналари билан бирга махсус идишларни ҳам ясайдилар.

*1-расм*



*2-расм*



**“Уй қурамиз”**

1. Уйча қуришда болалар турли кичик қурилиш материалларидан, лего ва конструкторлардан, каробка қутилардан фойдаланадилар.

2. Уйчани кўринишини акс эттиришда лего бўлакларини жойлаштиришга аҳамият берилади.

3. Болаларнинг тасаввури ва фантазиялари инобатга олинади.

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



**«Уйимиз ҳовли майдончасини қурамиз”**

1. Болалар уйча ясаганларидан сўнг уй учун майдонча қуришга ҳаракат қиладилар.

2. Уй учун майдонча ясашга лего бўлаклари, болалар ўйинчоқлари керак бўлади.

3. Болаларнинг тасаввури ва фантазиялари инобатга олинади.

4. Майдончада болалар учун ўйингоҳ, дам олиш жойлари акс этади.

*1-расм*



## “Мебель жиҳозларини ясаш”

1. Мебель жиҳозларини ясашда  болалар турли табиий ашё-лардан, каробка қутилар ва ташландиқ материаллардан фойдаланадилар.

2. Каробка қутилардан  қўғирчоқ учун кроват-диван ўлчами қирқиб олинади.

3. Кроватнинг ўлчамлари асосида қисмлари бирлаштирилади.

4. Болалар ўз ўйинчоқлари учун ётоқ учун жой тайёр қилиб ясайдилар.

*1-расм*



## “Қоғоздан стакан ясаш”

1. Болалар қоғоздан стакан ясашда А-4 форматдаги рангли қоғоз квадрат шаклда қирқиб олинади.1-расм

2. Учбурчак шаклида букланади. 2-расм

3. Икки ён томонга қараб учбурчак шаклида букланади.3-4 расмлар

4. Стаканнинг ўрта қисми очилади.5-6 расмлар

5. Стакан тайёр ҳолга келтирилади. 7 расм



## “Телефон ясаш”

1. Телефон ясашда болалар турли табиий ашёлардан, каробка қутилар ва ташландиқ материаллардан фойдаланадилар.

2. Каробка қутилардан телефон ясаш учун ўлчами қирқиб олинади.

3. Телефоннинг ўлчамлари асосида қисмлари бирлаштирилади.

4. Болалар телефонни ҳосил қилгач ўйнашларига тайёр қиладилар.

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



## “Музлатгич ясаш”

1. Мебель жиҳозларини ясашда болалар турли табиий ашёлардан, каробка қутилар ва ташландиқ материаллардан фойдаланадилар.

2. Каробка қутилардан музлатгич ўлчами қирқиб олинади.

3. Музлатгичнинг ўлчамлари асосида қисмлари бирлаштирилади.

4. Болалар музлатгични ясаб тайёр ҳолга келтирадилар.

5. Болаларнинг ихтиролари ва ўз тасаввурлари асосида ясалган жараён инобатга олинади.

*1-расм*



## Мактабга тайёрлов гуруҳ

### Сентябрь

“Менинг шаҳрим”, “Телеминора қурамиз”, “Менинг келажакдаги уйим”, “Замонавий шаҳар ёки (ақлли шаҳар)”, “Маҳалла кўчалари”, “Оиламиз учун уй”, “Театр кўрамиз”, “Сеҳрли сонлар”, “Қуриш материалларидан сонлар ясаймиз”,

### Октябрь

“Болалар майдончаси”, “Қушлар учун донхўрак”, “Математик мойчечак”, “Омборхона” (мева ва сабзавотлар учун), “Математик танграм”, “Легодан юк машинаси”, “Математика мамлакатига саёҳат”, “Конструктордан машина (пахта терадиган, юк машина) ясаймиз”, “Математик диктант”,

### Ноябрь

“Транспорт йиғамиз”, “Гараж қурамиз”, “Пиёдалар йўлаги” (геометрик шакллардан), “Йўл белгиларини тўплаш”, “Ўт ўчириш машинасини ясаймиз” (йиғамиз), “Милиция машинасини ясаймиз”, “Мактаб” қурамиз, “Атрофимиздаги сонлар ва рақамлар”,

### Декабрь

“Нарса-буюмларни тўғри ва тескари санаш. Геометрик фигуралар ёрдамида расм ҳосил қилиш”, “Байрамона уй”, “Спорт мажмуасини қурамиз” (йирик қурилиш материалидан), “Спорт ҳақидаги расмни тўпла” (пазллардан фойдаланиш), “Айиқча конструкторлаш”, “Қўғирчоқ учун шифоньер ва комод ясаймиз”, “Катта ва кичкина арчани ясаймиз”.

### Январь

“Қишки қалъа ясаш”, “Самолёт ясаш”, “Одам танасини ясаш”, “Робот одам ясаш”, “Эзгулик елпиғичини ясаш”, “Дўстлик кўпригини қурамиз”.

### Февраль

“Дўстлик кўпригини қурамиз”, “Эйфел минораси қуриш”, “Ракета ясаш”, “Регистон майдони қуриш”, “Ўз қўлларинг билан китобча ярат”, “Эртакнамо шаҳар қурамиз”.

### Март

“Онам учун тақинчоқ”, “8-март сўзини леголардан ясаш”, “Юк ташиш учун дарё устидаги кўприк”, “Минора қуриш” “Китес дизайни”,

## Апрель

Қушлар ясаш, “Панорама ўрмон тайёрлаш”, “Ракета ясаймиз”(леголардан), “Космодром қурамиз”, “Мантиқий дьенеш блоклари билан ишлаш”, “Математика планшети билан ишлаш”, “Кема ясаймиз”, “Самолёт қурамиз”, “Уйимиз учун ҳовли майдончасини қурамиз”.

## Май

“Уйимиз учун ҳовли майдончасини қурамиз”, “Қоғоз конструкцияси ва ташландиқ материаллардан сандиқ ясаш”, “Стаканча ясаш”, “Папье-машьедан тарелкача ясаш”, “Маиший техника йиғамиз”, “компьютер ясаймиз”.

## “Менинг шаҳрим”

1. Болалар билан шаҳар қурилишини режалаштирилади.
2. Болалар кублар ва турли конструкторлардан шаҳар қурадилар. (1-расм)
3. Шаҳарни конструкторлаш ишларини болалар ҳамкорликда кичик жамоа тарзида бажарадилар.
4. Тарбиячи болаларга ўз композицияларини майда ўйинчоқлар (автомобилчалар, байроқчалар, дарахтлар ва шу кабилар) билан безаш мумкинлигини тушунтириб беради.(2-расм)

Бу расмда эса лего конструкторлардан шаҳар қурилиши акс этган.Болажонлар ўзларининг фантазиясини ишга солиб ажойиб шаҳарни бунёд этадилар.

*1-расм*



*2-расм*



Энди эса шаҳар қурилиши ва уйларни қуриш-ясашда турли табиий ашёлар,каробка қутилар ва конструкторлар иштирокида лойиҳа тайёрлайдилар.

Ясаш усули: болалар билан шаҳар қурилишини режалаштириш яъни шаҳарни конструкторлаш жараёни амалга оширилади.Ушбу расмдаги конструкторлик иши қоғоз картонлар ва коробкалардан қуриб ясалади.

Энг аввало расмларга диққат билан қараб уйча қандай ва нималардан ясалганлиги кузатилади.

1. Тарбиячи болалар жамоаси билан биргаликда шаҳар мавзусида лойиҳалаштиришни бошлайдилар яъни каробка қутича ўлчаб олинади.Қирқиш қисми контур чизиқларда белгилаб олинади.



2. Бунда турли коробка қутини, шаҳардаги уйларни лойиҳалаш учун тайёрлаб олинади,аввал ўлчаб, чизиб, дераза ва эшиклари картондан қирқиб олинади.



3. Сўнгра уйнинг том қисми тайёрланиб бир-бирига бирлаштирилади, елимлаб қирқилган жойлари ёпиштирилади.



4. Уйнинг том қисми тайёр ҳолга келтирилади.



5. Уйнинг дераза ва эшик қисми ўлчаб, қайчида қирқиб олинади.



**“Телеминора қурамиз”**

1. Болалар телеминора қуришни тайёргарлик кўришади.
2. Телеминорани конструкторлаш, лойиҳалаш олиб борилади.
3. Болаларни жамоа бўлиб телеминора қуриш ишлашга ўргатилади.
4. Турли конструкторлардан лего блокларидан телеминорани ясаш тавсия этилади.(1-2-3 расмлар)
5. Минора қуришда лего қисмларининг ранглари ва уни бир-бирига жойлаштириш алоҳида эътиборга олинади. .(1-2-3 расмлар)

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



**“Менинг келажакдаги уйим”**

1. Болаларни уй қурилишини режалаштиришда кичик қурилиш материалларидан ва лего блокларидан фойдаланилади.

2. Леголар блокини кетма-кетликда бир-бирига бирлаштириб уйни лойиҳаси тайёрланади.(2-расм)

3. Уйни лойиҳалаштиришда марказда болалар кичик жамоаси ҳамкорликда фаолият олиб боришади.

4. Болалар фойдаланилаётган қурилиш материалларини ҳисоб-лаб борадилар.

(1-расм)

5. Уйни лойиҳалаштириш турли лего ва қурилиш материал-ларидан тайёрлаб ясалади.

6. Болалар ўз ижодий қобилияти ва ихтиролари инобатга олинади.

*1-расм*



*2-расм*



## “Замонавий шаҳар”




1. Болалар билан уй қуришни режалаштирилади.

3. Шаҳардаги уй қурилиши лойиҳаси тайёрланади.

4. А4-форматдаги оқ қоғоз тўртбурчак шаклида қирқиб олинади.Контур чизиқлар бўйлаб иккига букланади ва қирқиб олинади.(1-2 расмлар)

4. Уйнинг том қисми учун тўртбурчак шаклидаги рангли қоғоз контур чизиғи бўйлаб буклаб олинади ва икки учи букилади. (3-4 расмлар)

5. Уйнинг том қисми яна қайта букланиб, учбурчак шаклига келтирилади (5-6 расмлар)

6. Уйнинг том қисми тайёр бўлгач, икки чети ичкарига букланади (7-8 расмлар)

7. Уйнинг девор ва том қисми бирлаштирилади ва елимланади. ( 9 расм)

8. Шаҳар қуришда турли лего, конструкторлардан ясаш тавсия этилади ва болалар ижодига, тасаввурларига ҳавола этилади.(10-11 расмлар)

*10-расм*



*11-расм*



## “Маҳалла кўчалари”

1. Болалар маҳалла кўчаларини тасвирлашда “Йўл қурилиши”-га алоҳида эътибор берадилар.

2. Болалар билан йўл қурилишини режалаштирилади.

3. Қурилган тайёр йўл тасвири намойиш этилади.(1-расм)

4. Йўл қурилиши, кўча ва йўлаклар тасвирланади, қоғоз ва картонлар, саноқ чўплар, ўйинчоқлардан фойдаланилади.Болалар ўз маҳалла кўчаларидаги ўзгаришлар, қурилишларни акс эттирадилар.(2-расм)

*1-расм*



*2-расм*



## “Оила учун уй”

1. "Мен ва менинг оилам уйда" мавзусидаги расмларни кўриб чиқадилар. (АКТ ёрдамида)

2. Уй қурилишини болалар билан режалаштирилади. Шинам уй қурилади.

4. Тарбиячи болаларга ўзишларини кичик ва майда ўйинчоқ-лардан машина, пардалар, мебель жиҳозлари, дарахтлар, ўсимликлар билан тўлдиришни таклиф этиши, бадиий сўзлардан фойдаланиб суҳбатлашиши ва мулоқотни давом эттириши мумкин.(3-4 расмлар)

5. Болалар ўз уйларини тасвирлаб кичик қурилиш материал-лари,ёғоч ва тахта материалларидан, лего конструкторлардан қурадилар. Геометрик шакллар, кубиклардан уй қуриш ва қанча шакллардан фойдаланилганлиги ҳақида суҳбатлашиш мумкин.(1-2 расмлар)

*1- расм*



*2-расм*



*3-расм*



*4-расм*



## **“Театр биносини қурамиз”**

1. "Ўзбекистон театрлари" видео материаллари ва "Театр", "Кинотеатр" мавзусидаги кўринишларни томоша қиладилар.

2. Болалар билан биргаликда кинотеатр қурилиши режалаштирилади.

3. Эртакнамо театр қуриш лойиҳаси тайёрланади. Тахта ва ёғоч материалларидан театр саҳнаси ясалади. (1-2 расмлар)

4. Болалар театр биносини кўрган ва эшитган эртаклари асосида қурадилар, тасвирлаб лойиҳасини намойиш этадилар. геометрик шакллар, кубиклар, қурилиш метериалларидан ясаш тавсия этилади.(3-4 расмлар)

5. Тарбиячи монитор, стулчалар, қўғирчоқлар, томошабинлардан фойдаланиб, бадиий сўзларни ишлатган ҳолда томошалар ташкил қилиши мумкин.

*1-расм* *2-расм* *3-расм*







*4-расм*



## “Қурилиш материалларидан рақамлар қурамиз”

1. Кубиклар, геометрик шакллар, қурилиш блокларидан, мозайкалардан рақамлар ясалади.

2. Рақамлар акс этган расмларни кўриб чиқиш ва уларнинг бўлакларини таҳлил қилинади.

3. Рақам бўлаклари ўхшашликларини таққослаш ва уларни тўғри кетма-кетликда жойлаштирилади.1-расм

4. Болалар рақамларни майда қурилиш материалларидан фойдаланиб қурадилар. 2-расм

*1-расм* *2-расм*





**“Болалар майдончасини қурамиз”**

1. Лего ва конструкторлардан болалар учун майдонча яъни ўйингоҳ қурилади.

2. Болалар майдончаси акс этган суратларни кўриб кузатгач, турли лего ва конструкторлардан майдончанинг лойиҳасини қуриб ясайдилар.

*1-расм* *2-расм*





3. Болалар майдончасининг қурилишида ўз композицияларини майда кичик ўйинчоқлар билан тўлдириш тавсия этилади. 1-расм

4. Лего блокларидан ўйингоҳда болалар учун учар арғимчоқ ясалади. 2-расм

## “Қушлар учун донхўрак”

1. Болалар турли ҳажмдаги қоғоз қутилар, елим, скотч, қайчи, ўрам қоғоз,табиий ашёлар асосида қушлар учун донҳўрак ясайдилар.

2. Болалар қушлар учун ясалган турли хил донхўраклар расмларини томоша қилишади.1-расм

3. Қушлар учун донхўрак лего блокларидан, табиий ашёлардан, қурилиш материалларидан, ташландиқ ашёлардан ҳам ясалади. 2-3-4 расмлар

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



*4-расм*



## “Мева сабзавотлар учун омборхона”

1. Мева ва сабзавотларни сақлаш учун стеллаж ва жавон-ларнинг жойлашиши кузатилади.

2. Кубиклар, катта ва кичик ғиштчалар, геометрик шакллар, лего шакллари, ёғоч стеллажлар, мева ва сабзавот муляжлардан омборхона ясалади. 1-расм

3. Мева ва сабзавотлар учун омборхона қурилишида мева ва сабзавотларнинг қути ва жавонларга тақсимланади. 2-расм

4. Мева сабзавотлар қоғоз ва картонлардан ясалади, шакли қирқиб олинади.

5. Омборхонада мева ва сабзавотлар учун тарози ҳам бўлиши мумкин.3-расм

*1-расм* *2-расм* *3-расм*





**“Юк машинаси қурамиз”**

1. Юк машинасини ясаш учун лего бўлаклари танлаб олинади;

2. Юк машинасининг ясалишида лего бўлаклари бир-бирига бирлаштирилиб, унинг қисмлари ҳосил қилинади. 1-расм

3. Юк машинасини болалар ўз тасаввури ва ижоди билан тўлдирадилар. 2-расм




**“Пахта терадиган юк машинасини йиғиш”**

1. Пахта терадиган машинани расмда диққат билан кузатишади.

2. Қурилиш блокларини миқдорини мос равишда бириктиради. Геометрик шаклларни ўрганади. Машиналарни босқичма-босқич қуришни ўрганади.

3. Юк машина қурилиш материаллари, лего бўлакларидан ясалади. 2-расм

*1-расм* *2-расм*





**“Транспортни йиғамиз”**

1. Болалар турли ўлчамдаги қутилар, қурилиш материаллари, ғилдирак, рангли қоғозлар, елим, скотч, қайчи, наклейкалар билан транспорт машиналар элементларини ясайдилар. 1-2 расм
2. Тарбиячи болаларга ўзи томонидан ясалган транспортни майда деталлар-ўйинчоқлар-қўғирчоқ ҳайдовчи ёки йўловчи, байроқчалар ва шу кабилар билан тўлдиришни таклиф қилиши мумкин.

*1-расм* *2-расм*





**“Автострада: қандай ҳаракат қилиш керак?”**

1. Болалар кубиклар, геометрик шакллар, лего, автострада элементлари, “Тўғрига ҳаракат”, “Ўнга ҳаракат”, “Чапга ҳаракат” йўл белгилари билан танишиб чиқадилар. 1-расм
2. Болалар томонидан автострада қурилишини режалаштирилади. 2-расм
3. “Тўғрига ҳаракат”, “Ўнга ҳаракат”, “Чапга ҳаракат” йўл белгиларидан фойдаланган ҳолда қуриш тавсия этилади.
5. Автомашиналар ҳаракатланиши кўрсатилади ва болаларга тушунтирилади.

*1-расм* *2-расм*





**“Гараж қурамиз”**

1. Болаларга гаражни кубиклар, қурилиш блоклари, легодан қуриш, турли ҳажмга эга бўлган шаклларни номини билиш ва ундан фойдаланган ҳолда қуриш тавсия этилади.

2. Болалар аввало машина учун гараж акс этган расмларни кўриб кузатишади сўнгра намуна асосида гараж қурадилар, каробкалардан, лего блокларидан ясалади. 1-2 расмлар

*3-расм* *4-расм*





3.Ушбу гараж табиий ашёлардан каробка қутилардан ясалган. 2-расм

*5-расм* *6-расм*





4. Лего бўлакларидан ясалган гараж ҳам ўзига хос тарзда акс этган. 5-6 расмлар





**“Пиёдалар йўлаги”**

1. Табиий ашёлардан, каробка ва қутилар, лего қисмлари-дан пиёдалар учун йўл лойиҳаси ясалади.

2. Болалар пиёда йўлагини лойиҳасини ясашда намуна асосида автострада ва машиналар қатнови, светофор ўз ўйинчоқларини мазмунан жойлаштириши тавсия этилади.1-2 расмлар

*1-расм* *2-расм*





3. Болалар пиёдалар ўтиш йўлаги белгиларини тайёр кўрини-шидан ясаш мумкин. 3-4 расмлар

1

*3-расм* *4-расм*





## “Мактаб қурамиз”

1. Болалар келажакда ўз мактабини лойиҳасини тасвирлаб лего қисмларидан қурадилар.

2. Мактаб қурилишини болалар ўз тасаввурида акс эттириб лего бўлакларидан босқичма-босқич ясайдилар.1-2 расмлар

*1-расм* *2-расм*





## “Байрамона уй”

1. Болалар ўз тасаввури ва ижодий қобилиятларини ишга солиб байрамона уйча қурадилар.

2. Бу уйчани қуришда лего бўлакларининг рангларига эътибор берилади.

3. Уйнинг том қисми тайёрлаб олинади.1-2 расмлар

4. Уйнинг мўри қисми ясалади.3-4-5 расмлар

5. Байрамона уйнинг пойдевор қисми ясалади. 6-7 расмлар

6. Уйнинг девор қисми кўтариб ясалади ва уйнинг барча қисмлари бирлаштирилади.8-9 расмлар

7. Байрамона уй қисмларини қуришда ёрқин ранглардан фойдаланилади.



## “Спорт ҳақидаги расмларни йиғиб чиқ”

1. Спортга оид расмларнинг пазллари, турли спорт шакллари ҳақидаги расмлар диққат билан кузатилади.

2. Болалар пазлларни йиғади.

*1-расм* *2-расм* *3-расм*







## “Айиқча” ясаш

1. Айиқчани бош ва тана қисми оригами усулида қоғоздан ясалади.1а-б расмлар

2. Айиқча ясаш учун ранг қоғоз квадрат шаклида ҳосил қилинади. 1-расм

3. Қоғоз икки букланиб, учбурчак ҳосил қилинади. 2-расм

4. Учбурчак шаклдан икки ён томондан контур чизиқлар бўйлаб ичкарига букланади.3-4 расмлар

5. Учбурчак шаклдан икки ёнидаги қисми ташқари томонга чиқариб букланади. 5-расм

6. Ушбу шаклдан энг уч қисми ички томонга яна букланиб, айиқчанинг бош қисми ҳосил қилинади. 7-8 расмлар

7. Айиқчанинг бурун ва кўзлари жойлаштириб, тайёр ҳолга келтирилади. 9-расм

*1а-расм* *1б-расм*





## “Шифонер ва қўғирчоқ учун комод”

1. Қўғирчоқ учун шифонер ва комод ясашда болалар ўз тасаввури, фантазиялари асосида ясайдилар.1-3 расмлар

2. Болалар картон қоғозлар, рангли қоғоз ва бўёқлар, каробкалардан комод ясалади.2-4-5 расмлар

3. Қурилиш материалларидан ҳам қўғирчоқ учун мебель жиҳозлари ясалиши мумкин.

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



*4-расм*




*5-расм*




*6-расм*



*7-расм*



## “Катта ва майда арчаларни конструкциялаймиз”

*1-расм*



1. Болалар майда ва катта арчани ясаш учун рангли қоғоз ва майда рангли тошлар, табиий ашёлар, безак учун ўйинчоқлар тайёрлаб оладилар.

2. Арча ясаш учун рангли қоғозни икки буклаб учбурчак шаклни қирқиб олинади.

3. Учбурчак шакл гафри усулида букланиб, бирлаштирилиб, доира шаклда кичик тешилади ва ёғоч киритилади.

4. Арча ҳосил қилингач, унга турли ёрқин нарсалар билан безак берилади.

5. Катта ва майда арча қисмларини турли кўринишда ясаш ва безаш тавсия этилади. 2-3 расмлар

*2-расм* *3-расм*





## «Қишки қалъа» ясаш

1. Болалар қишки манзара ва қиш қалъасини суратларда кузатишади.

2. Болалар ўз фантазиялари ва тасаввуридаги қишки қалъани бунёд этадилар.

3. Қишки қалъани болалар қорлардан ҳам ясаш мумкин.

*1-расм* *2-расм*





## Самолёт ясаш

1. Самолёт лойиҳасини тайёрлашда оқ ва рангли қоғозлар керак бўлади. Болалар самолётни йиғиш чизмасини кўрадилар ва самолётни чизма асосида йиғадилар.

2. Рангли қоғоздан тўғри тўртбурчак шаклдаги тасма қирқиб олинади ва контур чизиғи бўйлаб вертикал кўринишда учбурчак шаклда букланади. 1-2 расмлар

3. Худди шу букланган ҳолатда қайта контур чизиғи бўйлаб учбурчак шаклда букланади.3-4 расмлар

4. Учбурчак шаклдаги букланган қоғозни ўрта қисмидан ичкари қисмига томон букланади.4-5 расмлар

5. Ички томонга букланган қисмидан ташқи томонга самолётнинг икки ёнга қанотлари ҳосил қилинади.7-расм

6. Болалар самолётни ўз хоҳишига кўра безатадилар.



1. Самолётни картон қоғоз ва табиий ашёлардан фойдаланиб ҳам ясаш мумкин.

2. Рангли картон қоғозлардан бир хил ўлчамда 1 та узун, 2 та катта ва 2 та кичик кўринишдаги тасмачалар қирқиб олинади. 1-расм

3. Ишлатилган бўш гугурт идишига 1та узунликдаги тасмачани тенг ўртасидан буклаб, бир-бирига учи елимланади. 2-расм

4. Иккита бир хил ўлчамдаги тасмачалар устки ва пастки қисмидан гугурт қутисига елимланади.3-расм

5. Самолётни болалар ўз ижодкорлига қараб безак берадилар.




**“Одам танасини ясаш”**

1. Болаларга  одам тана қисмларини қоғозга чизилган ва қирқилган тайёр материаллар тарқатилади.

2. Болалар  инсон танаси акс этган катта ҳажмдаги кўргазмани томоша қиладилар.

3. Болалар одам танасини қисмларини томоша қилиб ва шунга қараб тана азоларини ҳаракатланадиган қилиб одамчани йиғишади (тарбиячи йиғиш чизмасини кўрсатиб бериши мумкин).2-расм

4. Йиғилган одамчага юз шаклини чизишади ва иплар билан  соч  қисмини яаратишади.

5. Турли  картон ва рангли  қоғозлардан, пазл ва мозаикалардан ясалади. 1-расм

6. Одам тана қисмларини картон қоғозлардан намуна асосида чизмаси тайёрланади ва қирқиб олинади.3-расм

*1-расм* *2-расм* *3-расм*







## “Робот – одам қуриш”

1. Робот одамни ясашда лего ва конструкторлар, кичик қурилиш материалларидан фойдаланилади. 1-2 расмлар

2. Робот-одам шаклини табиий ашёлар, кераксиз материаллардан, қоғоз картонлардан, коробка, гугурт қутиларидан тайёрланади. 3-4-5-6 расмлар

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



*4-расм*



*5-расм*



*6-расм*



## “Эзгулик елпиғичи” ясаш

1. Елпиғич ясашда рангли қоғозни тўртбурчак шаклда қирқиб олинади.

2. Тўртбурчак шаклдаги тасмани бир хил катталикда гафри усулида буклаб олинади. 1-расм

3. Буклаб олинган елпиғични ўрта қисми билан бирлаштирилиб, ёғоч мослама ўрнатилади.2-расм

*1-расм*



*2-расм*



**“Дўстлик кўпригини қурамиз”**

1. Дўстлик кўпригини қуришда болалар рангли қоғоз ва картонлар, каробка қутилар ҳамда лего бўлаклари, кичик қурилиш материаллари конструкторлардан фойдаланишади. 1-2-3 расмлар

2. Кичик қурилиш материалларини шундай жойлаштириш керакки, ранглар ва шакллар ўлчами бир-бирига мос тушади. 2-расм

3. Лего бўлакларидан кўприк қуришда унинг ўлчами олинади ва бир-бирига бирлаштиришда катта-кичиклиги алоҳида инобатга олинади. 3-расм

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



## Самолёт ясаш

1. Болалар самолётни ўз тасаввурида акс эттириб, қоғоздан ва табиий ашёлардан гугурт чўпларидан фойдаланадилар.

2. Гугурт чўпларини рангли қоғозга шундай жойлаштирадики, улар ўзи хоҳлаган самолёт лойиҳаси тайёр бўлади.1-расм

3. Болалар ўз ижодкорлиги ва фантазияси инобатга олинади.

*1-расм*



## "Эйфел минораси" қуриш

1. Кубиклар, геометрик шакллар, ёғоч ва елим конструкторлар йиғмаси, табиий хомашёлар, безаш учун тўплам, суратлар асосида минора лойиҳасини ясашни режалаштиради.

2. Эйфел минораси акс этган суратларни томоша қилинади.

3. Болалар билан минора қурилиш лойиҳаси намойиш этилади. 1-расм

4. Конструкторлар йиғмаси, мозаикалардан минора қурамиз. 2-расм

*1-расм*




*2-расм*



## Ракета ясаш

1. Ракетани А-4 форматдаги қоғоз ва рангли қоғозлардан ясашда квадрат шаклдаги тасмаларқирқиб олинади. 1-расм

2. Квадрат шаклдаги қоғозни учбурчак шаклда буклаб олинади ва ўрта қисмидан ярмигача ичкарига букланади.2-расм

3. Сўнгра ташқи қисмига қараб чиқариб букланади ва кичик учбурчак шакл ҳосил қилинади.

4. Болаларга қоғоздан ракетани мустақил буклаш тавсия этилади.

5. Ракетани қанотлари ҳосил қилиниб, икки ёнига ўгирилади. 3-расм

6. Ракетани кичик тасмачани тўртбурчак буклаш орқали турли хил кўринишда ясаш тавсия этилади. 4-расм

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



*4-расм*



## “Регистон майдони қуриш”

1. Самарқанд шаҳридаги Регистон майдони билан танишиш, йирик қурилиш ашёлари билан ишлаш усулларини билиш, иншо-отларни ижодий қуради.

2. «Регистон» майдонининг суратлари, йирик қурилиш матрериаллари намойиш этилади.2-расм

Фаолиятни олиб борилиши:

3. Болалар кўҳна ва қадимий шаҳар Самарқанддаги Регистон майдони акс этган суратлар кўриб диққат билан кузатилади сўнгра унинг лойиҳаси лего бўлаклари, конструкторлар ва кичик қурилиш материалларидан қурадилар.3-4-5-6 расмлар

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



*4-расм*




*5-расм*



*6-расм*



## “Ўз қўлларинг билан китобча ярат”

1. Қоғозни марказдан буклаш йўли орқали китобча яратиш, бутун қоғозларни жамлаш. Китобчани кесилган шахсий суратлар билан ижодий безаш тавсия этилади.

2. А-4 ҳажмдаги қоғоз, рангли қоғозлар, суратлар, қайчилар, елим, фломастерлар асосида болалар ўзлари хоҳлаган кўринишда китобча ясайдилар. 1-расм

3. Болалар китобчаларни турли табиий ашёлардан хам фойдаланадилар. 2-3расмлар

*1-расм* *2-расм* *3-расм*









## “Эртакнамо шаҳар” қуриш

1. Ташкилий қисм: «Болалар, бугун бу ерга эртаклар мамлакатидан эртак қаҳрамонлари учиб келишибди, улар биздан уй қуриб беришимизни сўрашяпти.Келинг, уларга эртаклар саройини қуришда ёрдамлашамиз. 1-2 расмлар

2. Ишни бошлашда қандай материаллардан фойдаланишингизни айтинг? ҳар хил узунликдаги ғиштчалар, цилиндрлар, призмлар, пластинлар, арка ва бошқалар керак бўлади. Унутманг, сизнинг қурилмангиз қулай, мустаҳкам ва чиройли бўлиши керак, ишни бошланг.

3. Болаларни ижодий фаолияти асосида эртакнамо шаҳар элементлари қурилади. 3-4 расмлар

4. Болалар ўз тасаввуридаги эртаклар шаҳрини қурадилар.

*1-расм* *2-расм*





*3-расм* *4-расм*





## **“Онам учун тақинчоқ”**

1. Болалар оналар учун билак узук ясашда картон қоғоз ва рангли қоғозларни чизма асосида қирқиб бирлаштирадилар.1-расм

2. Болалар билак узукни турли кўринишларда табиий ашёлардан фойдаланган ҳолда ясайдилар.

3. Болалар билакузукнинг асосига 6-10 та тугмалар ҳар хил ранг ва узунликдаги симчалар ёки 25 см узунлигидаги тизимчалар тайёрлаб оладилар.2-расм

4. Тарбиячи кўрсатиши учун ҳар хил рангдаги ва ўлчамдаги картон доирачалар ҳам керак бўлади.

5. Болаларга тугмалардан билакузук учун безак қилишни таклиф этилади.

6. Катта кичиклигига қараб, тугмачаларни саралайдилар.3-расм

7. Болаларни таклифлари билан тарбиячи доскада халқалар ёрдамида ясаш мумкин бўлган вариантларни моделлаштиради (ҳажми бўйича – энг кичикдан энг каттагача ва аксинча; марказда катта тугмача, икки томонида кичиклари, навбати билан катта-кичик, катта-кичик, кейин рангига кўра)

8. Намуна асосида симчага тугмаларни теришни кўрсатилади. 4-расм

*1-расм* *2-расм*





*3-расм* *4-расм*






**“8-март” сўзини леголардан ясаш**

1. Кичик қурилиш материалларидан, лего ва конструкторлардан 8-март сўзини ҳосил қиладилар.

2. Ишлатилган материаллар ва шаклларнинг миқдорини аниқлайдилар.

3. Болалар лего бўлакларини рангларига мос тарзда жойлаштириб, намуна ассосида 8-март сўзини ясайдилар. 1-2 расмлар

4. Лего бўлакларини катта ва кичикларини бирлаштиришда кичик 2 та катта бўлакдан 1 тадан фойдаланадилар.

5. Болалар ўз хоҳиш-истаклари ва идодий қобилиятларига қараб 8-март сўзини тўлиқ ёзишга тавсия бериш мумкин.

*1-расм* *2-расм*





## “Юк ташиш учун дарё устидаги кўприк”

1. Қурилиш материаллари тўпламлари, лего, рангли қоғоз варақлар дарё узунлигини аниқлаш учун материаллар керак бўлади.

2. Кўприклар қуриш режасини тасвирлаб олинади.Кўприк акс этган суратлар кузатилади. 1-расм

3. Дарё бўйлаб, маълум бир кенгликдаги кўприкни қуриш ва иккита автомобилнинг унга қўшилишлари ҳам акс этиш мумкин. Кўприкнинг асосий қисмлари - бу кўприкнинг йўллари, тушишларини қуриш тавсия этилади.2-расм

4. Болалар кўприкни суратда кўргани бўйича ҳам тасвирлаб ясаш тавсия этилади. 4-расм

*1-расм* *2-расм* *3-расм*







*4-расм*



## “Минора қуриш”

1. Болаларга кичик қурилиш материаллари ва лего, конструкторлардан минора қуриш босқичма босқич қуриш тавсия этилади.

2. Мозаика ва лего бўлаклари минорани пастки 4 та устунини ясашдан бошланади. 1-расм

3. Тўртта устунчалар бирлаштирилади. 2-расм

4. Минора устунчалари қуришда лего бўлаклари рангларини тўғри танлаш ва жойлаштириш инобатга олинади. 3-расм

5. Минора устунлари бир-бирига устма-уст лего қисмлари бирлаштирилиб ясалади. 4-5 расмлар

6. Минора узунлиги чизма асосида белгиланиб, қурилади ва устунларига бирлаштирилади. 6-7-8 расмлар




## Китес дизайни

1.Турли йўналишларда диагонал равишда қатламли қоғоз ўзига хос йўлларига эгадир.

2.Қоғоз, намуналар, чизмалар, қалам асосида китес дизайнидан фойдаланилади.3-4 расмлар

3. Қоғозни олмос кўринишида турли шаклларда қатлаймиз.

4. Тарбиячи намуналар асосида китес дизайнини болалар билан ясайдилар яъни варрак ясашда ҳам китес дизайни чизмаси кўл келади. 1-2 расмлар

5. Кичик қурилиш материалларидан ҳам фойдаланиб, китес дизайни яратилади. 5-6 расмлар

*1-расм* *2-расм*






*3-расм* *4-расм*





*5-расм* *6-расм*





## “Қушлар ясаш”

1. Қушчани оригами усулида ясашда А-4 форматдаги рангли қоғоздан квадрат шакли қирқиб олинади. 1-2 расмлар

2. Квадрат шаклидаги қоғоз икки томонга букланади ва учбурчак шакл ҳосил қилинади.3-4 расмлар

3. Худди шу шакл яна қайта букланиб, квадрат ҳосил қилинади.5-расм

4. Қушчанинг ушбу шаклдан тумшуқ ва қанотлари ҳосил бўлади. 6-7-8 расмлар

5. Қушча тайёр бўлади ва болалар қушни қандай учишини тасвирлайдилар.

*1-расм* *2-расм*





## **Ракета қурамиз (леголар)**

1. Ракетани болалар қурилиш блоклари, лего, конструкторлардан ясайдилар.
2. “Биз ракета қуряпмиз” мавзусида расмларни томоша қилишади.
3. Болалар томонидан ракетани қуриш режалаштирилади. 1-расм
4. Ракетани қуриш жараёнини амалга оширадилар. 2-расм

*1-расм* *2-расм*





## **“Космодром қурамиз”**

1. “Космодром” қуриш жараёнида болалар ижодкорликни намоён қилади. Космонавтика, космик фазо ҳақидаги, қуёш тизимидаги сайёралар тўғрисидаги маълумотларга қизиқади. 1-2 расмлар
2. Болалар томонидан «Космодром» қурилиш лойиҳалаштирилади.
3. «Космодром»ни қуриш жараёнини амалга оширилади. 3-4 расмлар

4. Тарбиячи болаларга Абу Райхон Беруний, унинг ҳаёти ва эришган ютуқлари тўғрисидаги слайд тақдимоти намойишини таклиф этиши, “глобус”, “юлдузлар туркуми” каби тушунчаларни тушунтириши ва топишмоқ топишни таклиф этиши мумкин.

*1-расм* *2-расм*






*3-расм* *4-расм*





**Мантиқий дьенеш блоклари билан ишлаш**

1. Мантиқий «Дьенеш блоклари билан қизиқади, бир-бирига мос бўлган рангларни ажратади. Предметларни сони ва катталигига қараб қоғоз марказига жойлаштиради.1-расм

2. Дьенешлар блоки билан уйлар, шакллар, предметлар қуришни режалаштириш жараёни амалга оширилади. 2-расм

3. Дьенешлар блоки билан мантиқий нарсалар ясаш таклиф этилади.

1-расм 2-расм

 

## Математика планшети билан ишлаш

1. Болалар «Математика планшети”ни ўйнашга қизиқади.

2. Болаларни «Математика планшети” билан ўйнаш ва ясаш тавсия этилади.1-расм

3. Математика планшетида болалар мантиқий предметлар шаклини ясайдилар. 2-3-4 расмлар

*1-расм*




*2-расм*



*3-расм*



*4-расм*



## “Кема қурамиз”

1. Болалар кичик қурилиш блокларидан, лего ва конструкторлардан кема қурадилар.

2. Кема лойиҳасини оригами усулида қоғоздан ҳам ясаш тавсия этилади.

3. А-4 форматдаги қоғоз иккига тенг шаклда букланади. 1-расм

4. Буклов асосида учбурчак шакл ҳосил қилинади. 2-расм

5. Учбурчак шаклдаги қоғозни пастки қисми тенг чизма бўйича ичкарига буклананади. 3-4 расмлар

6. Учбурчак шаклдан ромб кўринишдаги шакл ҳосил қилинади. 5-6 расмлар

7. Ромб шаклидаги қоғоз икки чети икки ёнга очилади. 7-8-9 расмлар

8. Кема кўриниши намоён бўлади.  Кема тайёр бўлди.




*3-расм*



*4-расм*






**Самолёт қурамиз**

1. Самолёт лойиҳасини болалар табиий ашёлардан қурадилар.

2. Болалар ўз ижодий қобилиятлари ва фантазиялари инобатга олинади.

3. Турли ёғоч ва чўплардан, кийим илгич мосламаларидан фойдаланиб, самолёт макетини тайёрлаш мумкин. 1-2 расмлар

*1-расм* *2-расм*





## Уйимиз учун мебель жиҳозлари ясаш

1. Болалар уйдаги мебель жиҳозларидан стол ва стулларни ясайдилар.

2. Болалар уй жиҳозларини табиий ашёлар ва материаллардан ясайдилар. 1-расм

3. Уй жиҳозларини турли лего бўлаклари, конструкторлардан ясаш тавсия этилади. 2-расм

4. Уй жиҳозларидан стол ясашда ташландиқ ашёлардан яъни бир марталик ишлатиладиган пластмасса стаканлардан фойдаланиб ажойиб стулчалар ясаш мумкин. 1-расм





## Қоғоз конструкцияси ва ташландиқ материаллардан сандиқ ясаш

1. Болаларга сандиқча ясашга ўргатишда қоғоз конструкцияси ва ташландиқ материаллардан фойдаланиш ҳақида тушунча берилади.

2. Ташландиқ материаллардан кераксиз бўлган каробка қутилардан ажойиб сандиқча ясаш мумкин.

3. Болаларга сандиқчани каробка қутилардан ясашда жамоа бўлиб ишлаш тавсия этилади.

4. Каробка қутичалар икки ён томони ўлчам асосида чизмаси билан ярим доира шаклида қирқиб олинади. 1-2 расмлар

5. Қутичани устки қопқоғини ярим доира шаклидан тайёрлаб олинади.3-4 расмлар

6. Қутичага болалар ўз ҳоҳишларига қараб безак беришади. 5-6 расмлар



**“Стаканча ясаш”**

1. Болалар стакан ясашда оригами усулидан фойдаланадилар.

2. Стакан ясашда А-4 форматдаги қоғоздан квадрат шакли қирқиб олинади.1-расм

3. Квадрат шаклидаги қоғоз учбурчак шаклига келтирилиб букланади. 2-3 расмлар

4. Худди шу шаклдан ўнг ва чап томондан яна қайта учбурчак шаклда букланади. 4-5 расмлар

5. Стаканнинг ички қисми очилади ва тайёр ҳолга келтирилади. 6-7 расмлар





## Папье-машьедан тарелкача ясаш

1. Болаларга папье-машьедан тарелкача ясашда босқичма босқич фаолият олиб борилади.

2. Тарелка тайёрлашда ташландиқ материаллардан, кераксиз газета қоғозлари, юпқа қоғозлар махсус идишда сувда ивитилиб, ғижимланади.1-2 расмлар

3. Тарелка қолипида ғижимланган масаллиқ бир текисда ёпиштирилади. 3-расм

4. Папье-машье усулидаги тарелка қотирилади. 4-расм

5. Тарелка тайёр ҳолига келгач унга ишлов ва безак берилади. 5-6 расмлар

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



*4-расм*




*5-расм*



*6-расм*



## «Маиший техникани йиғамиз»

1. Болалар маиший техника жиҳозларини турли лего ва конструкторлар, ташландиқ ашёлардан ясайдилар.

2. Турли каробка қутиларидан ажойиб маиший техника жиҳозларини ясаш тавсия этилади.1-расм

3. Музлатгични каробка қутиларидан ясаш мумкин 2-расм

*1-расм*



*2-расм*



*3-расм*



**«Компьютер йиғамиз»**

1. Болалар компьютер қисмларини турли каробка кутиларидан ясаш мумкин.

2. Ташландиқ материаллардан каробка қутичалар компьютер кўринишини акс эттиради.













## Адабиётлар рўйхати

1. Подготовка детей к школе в СССР и ЧССР: Книга для работников дошкольных учреждений. Под ред. Канд. Педнаук Л.А.Парамоновой. М.: «Просвещение», 1980.

2. Н.А.Ветлугина. Болалар боғчасида эстетик тарбия. Т.: 1981.

3. В.И.Логинова ва бошқ. Мактабгача тарбия педагогикаси. Т.: 1991.

4. Комарова Т.С. Методика обучения изобразительной деятельности и конструированию. М.: 1991

5. Комарова Т.С. Дети в мире творчества. М.: 1995.

6. М.Мышковская. Математика. М.: 1996.

7. В.И.Романина. Занятия по конструированию с детьми 3-4 лет. М.: 2003.

8. М.Нурматова Устахонада амалий машғулот. Т.: 2010

9. В.Г.Пронин. Логика и внимание. Т.: 2016

10. А. Сулайманов ва бошқ. Тасвирий фаолият. Т.: 2016

11. “Илк қадам” Давлат ўқув дастури. Т.: 2022

12. Л.Евстафьева. Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнини мавзувий режалаштириш. Т.: 2018

13. О. Махмудова ва бошқ. Машғулотларни ўтказиш методикаси. Ўқув-услубий мажмуа. Т. 2018

Интернет сайтлари

www.giu.uz.

www.yandex.uz.

www.mama. ru.

# МУНДАРИЖА

КИРИШ......................................................................................................3

Мактабгача таълим ташкилотларида барча ёшдаги  болаларга гуруҳларда қуриш-ясашни ўргатишнинг мазмун-моҳияти ҳақида ......................................4
Мактабгача таълим ташкилотларида барча ёш гуруҳларида болаларга қуриш-ясашни ўргатиш методикаси .................................................................11